Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши
№ 283 (12.937).
8 ДЕКАБРЬ 1964 йил
СЕШАНБА
Баҳоси 2 тийин.





ТЕРМИЗ районы хўжаликлари кузги-қишки ишларни жадаллаштириб юбордилар. Айниқса «Намуна» колхозида келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Бу ерда ҳайдов тракторлари группа бўлиб ишламоқда. Ҳозиргача экин майдонларининг ярми ҳайдаб қўйилди. Суратларда: 1. Тракторчи Қаҳҳор Тошбоев ҳар куни 35-40 тонна гўнгни машиналарга ортиб бермоқда. 2. Ерлар шудгор қилинмоқда.

А. Ким фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ —МИЛЛИОНЛАР МАКТАБИ

Халқ университетлари жамоатчилик ташаббуси асосида вужудга келиб, жўшқин ҳаётимиздан тобора мустаҳкам ўрин олаётган маърифат ўчоқларидандир. Бу университетлар коммунистик идеология ишларимизнинг муҳим соҳаси сифатида меҳнаткашларни янги жамият тантанасига чуқур ишонч, ахлоқ кодексининг олижаноб принциплари руҳида тарбиялашда, уларни илғор совет фани ва маданияти ютуқлари билан баҳраманд этишда ғоят катта роль ўйнамоқда.

Республикамизнинг шаҳар ва районларида ҳозирги вақтда жамоатчилик асосларида олти юзта халқ университетлари ишлаб турибди. Неча ўн минглаб турли касб эгалари бу университетларда таълим олмоқда. Коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси, илмий коммунизм асосларини ўрганиш, қишлоқ хўжалиги ва агрохимия билимлари, техника прогресси ва илғор иш методлари, маданият, сиҳат-саломатлик, халқаро аҳвол, ҳотин-қизлар, этика, илмий атеизм сингари кўп тармоқли университетлар ишчилар, колхозчилар ҳамда интеллигентларнинг энг севимли жойи, билим марказлари бўлиб қолди. Университетларда малакали илмий ва ижодий ходимлар, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишловчи мутахассислар машғулот ўтказиб, уларнинг қизиқарли ва мароқли бўлишига эришмоқдалар.

Халқ университетларини ташкил этиш ва уларда ўқув ҳамда тарбия ишларини намунали йўлга қўйишда Тошкент шаҳар партия ташкилоти катта тажриба тўплади. Ҳозир шаҳарда 80 га яқин турли типдаги халқ университетлари ишлаб турибди. Уларга олий ўқув юртларининг профессорлари, фан докторлари ва кандидатлари, илмий тадқиқот институтларининг ходимлари раҳбарлик қилмоқдалар.

Шаҳар партия комитети ҳузуридаги коммунистик қурилиш назарияси ва практикаси университетининг иши диққатга сазовордир. Бу университет ҳузурида 14 факультет бўлиб, буларда мингдан ортиқ партия, совет, комсомол, касаба союз ходимлари, завод ва фабрика, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг, ўқув юртлари ва турли муассасаларнинг раҳбар ходимлари ўқимоқда. Умумуниверситет машғулотлари план асосида ўтказилиб, коммунистик қурилишнинг назарий ва амалий проблемаларига оид масалалар юзасидан республика ҳамда Ўрта Осиё раҳбар ходимларининг лекциялари тингланмоқда. Факультетлардаги машғулотлар эса махсус тузилган ўқув планлари бўйича олиб борилмоқда. Бунда назарий ва практик масалаларга оид лекциялардан ташқари семинар машғулоти, экскурсиялар, спектакль ва кинофильмларни коллектив бўлиб кўриш ҳамда муҳокама қилиш, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш сингари тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Бироқ меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уларнинг меҳнат активлигини оширишнинг тажрибада синалган энг таъсирчан воситаларидан бири сифатида хизмат қилаётган халқ университетларининг аҳамиятига ҳамма ерда ҳам етарли эътибор берилаётир, деб бўлмай ди. Айрим область ва шаҳар партия комитетлари университетларда машғулотларнинг планли равишда системали ва юксак савияда ўтказиб турилишига етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Фарғона областида эллиққа яқин университет бор. Буларнинг баъзиларида машғулотларнинг белгиланган муддатда ўтмай қолиши, баъзиларида эса лекцияларнинг паст савияда, ҳаёт билан узвий боғланмаслиги ҳоллари рўй бермоқда. Университетларга раҳбарлик қилувчи методик кенгашларнинг йиғилишлари ҳам ўз вақтида ўтказилмаётир. Янги кишини тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири бўлган халқ университетлари ишига бундай бепарво қараш фактига мутлоқа йўл қўйиб бўлмайди.

Партия XXII съезди қарорлари, КПСС Программаси асосида халқ университетларининг мазмуни, формаси ва уларнинг иш методини яхшилаш мақсадида Бутуниттифоқ жамоатчилик кўриги ўтказила бошлади. Бу кўрик келгуси йилнинг май ойига қадар давом этади. Бу тадбир республикамиз партия ташкилотларидан университетларнинг ўқув ва тарбия ишлари сифатини янада яхшилашлари зарурлигини тақозо этади.

Халқ университетларининг ўқув-методик планлари ва программаларини такомиллаштириш, бунга юқори малакали мутахассисларни жалб этиш, машғулотлар ва лекцияларнинг илмий, ғоявий-назарий савиясини ошириш ҳамда уларни коммунистик қурилишнинг конкрет вазифалари билан мустаҳкам боғлашга эришишни таъминлаш партия ташкилотларининг вазифасидир. Машғулотларни тингловчиларнинг ахлоқ кодекси принциплари асосида тарбиялашга, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга ёрдам берадиган даражада мароқли, илҳомбахш бўлишига эътиборни кучайтириш лозим.

Машғулотнинг савияси, таъсир кучи турли адабиётлар, кўргазмали қуроллардан яхши фойдаланишга, семинарлар, лаборатория практикаси, суҳбат методи, конференция, савол-жавоб ва тематик кечалар ўтказиш, корхона, колхоз, совхоз, музей, театр сингари ерларга коллектив бўлиб бориш каби актив форма ва методлардан кенг фойдаланишга боғлиқ. Ана шу тадбирларни амалга оширишда университетлар ректоратига амалий ёрдам кўрсатишда ташаббускор бўлиш партия ташкилотларининг бурчидир.

Университетларда лектор, ўқитувчи, консультантликка олимлар, олий ва махсус ўрта ўқув юртларининг ўқитувчилари, врач, инженер, агроном, зоотехник, экономист, юрист, адабиёт ва санъат арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари бўлган мутахассисларни кўпроқ тортишнинг аҳамияти айниқса катта. Партия ташкилотлари ана шунга амал қилсалар университетларнинг ўқитувчилари ўқув-тарбия процессини тўғри уюштиришга қобил ва қодир коллектив бўлиб қолади.

Университетларнинг методик кенгашлари иши юксак талаблар даражасида йўлга қўйилмоғи зарур. Бу кенгаш университетларнинг ташкилий ва илмий-методик маркази ҳисобланади. Партия ташкилотлари билан бир қаторда «Билим» жамияти ва унинг жойлардаги бўлимлари ана шу кенгашларга муттасил амалий ёрдам кўрсатишлари даркор.

Коммунизм ғалабаси учун курашда идеология соҳасининг муҳим тармоқларидан бўлган халқ университетларини кишиларнинг маънавий талабларини қондирувчи, билим даражаларини оширувчи чинакам мактаб, тарбия маркази, коммунистик идеологиянинг зарбдор фронтларидан бири бўлиб қолиши учун курашайлик. Халқ университетларининг истиқболи учун янада кенг йўл очайлик. У коммунизм кишисини вояга етказиш, камол топтиришда партия ташкилотларининг ҳақиқий таянчи бўлиб қолсин!

ДОН ЭКИБ БЎЛИНДИ

ГУЛИСТОН. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбири). Фориш районидаги Тимирязев номли совхоз ғаллакорлари етти йилликнинг охирги йилида ҳам улкан ғалабаларни қўлга киритиш учун курашни ҳозирданоқ қизитиб юбордилар. Ламмикор ерларда 60 га яқин ҳайдов трактори бетиним ишлатилмоқда. Тракторчилардан Сеиткарим Серикбоев, Раипбек Абишев, Иброҳим Кубанов ўртоқлар смена топшириқларини муттасил бир ярим-икки баравар ошириб бажармоқдалар. Натижада совхоз бўйича кузги дон экиш плани муваффақиятли адо этилди. 22 минг гектар ерга арпа ва бугдой уруғи сепилди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ БУХОРО ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

Бухоро областининг колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, барча меҳнаткашларига

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Бухоро областининг колхоз ва совхозлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликларини зўр мамнуният билан қайд қиладилар. Область хўжаликлари тайёрлаш пунктларига 295 минг тонна пахта етказиб бердилар ва пландан ташқари 20 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Бу муваффақиятлар пахтакорлар фидокорона меҳнат қилганлиги ва маҳорат кўрсатганлиги, шунингдек партия, совет, комсомол, касаба союз ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш бошқармалари ходимларининг моҳирлик билан олиб борган ташкилотчилик ишлари натижасида қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Бухоро областининг колхозчиларини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин қутлайдилар ва область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қўшимча пахта топшириш мажбуриятини бажарадилар, чорва қишловини, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли ўтказадилар ва пахта, гўшт, сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун сабот билан курашадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

□ □ □ □

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЕЗИЛАДИЛАР:

Бенобод ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари **М. Нурмонов**, бошқарма бошлиғи **М. Қозоқбоев**, район ижроия комитетининг раиси **Э. Ҳатамов**, комсомол комитетининг секретари **Т. М. Миркамолов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **А. Шахабоев** ўртоқлар).

Янгиўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари **С. Қорабоев**, бошкарма бошлиғи **У. Икромов**, район ижроия комитетининг раиси **К. Исматиллаев**, комсомол комитетининг секретари **Х. Абдураҳимов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Ш. Абдураззоқов** ўртоқлар).

Яккабоғ ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари **Ж. Ҳаққулов**, бошқарма бошлиғи **Т. Дўстқораев**, район ижроия комитетининг раиси **Ш. Маҳматқулов**, комсомол комитетининг секретари **Ч. Узоқов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **И. Файзиев** ўртоқлар).

Кегайли ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари **П. Холмуротов**, бошқарма бошлиғи **Т. Наурўзбоев**, район ижроия комитетининг раиси **Мадаминов**, комсомол комитетининг секретари **Н. Зоитов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **А. Жалменов** ўртоқлар).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Бухоро область партия комитети, меҳнаткашлар депутатлари область Совети область колхозлари ва совхозлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликларини зўр хурсандчилик билан маълум қиладилар. Давлатга 295 минг тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топширилди. Бу катта меҳнат ғалабаси республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланди ҳамда областдаги барча меҳнаткашларнинг сабот билан Фидокорона меҳнат қилганликлари тўғрисида ҳужжатлар қўлга киритилди.

Область пахтакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча суратда яна 20 минг тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Вобкент районининг пахтакорлари партия ва ҳукумат ғамхўрлигига жавобан, ўз социалистик мажбуриятларини бажара борив, давлатга 47 минг тонна пахта топширдилар ва йиллик планни 108 процент бажардилар, Ромитан районининг пахтакорлари йиллик планни 106 процент бажардилар. Ғиждувон районининг колхозлари йиллик планни муваффақиятли адо этдилар. Бу район колхозлари 59 минг тонна пахта тайёрлаб, йиллик планни 103 процент бажардилар. Бухоро, Навоий ва Қоракўл районлари йиллик планни бажариш арафасида турибдилар.

Область совхозлари илғор агротехника ва механизацияни қўлланиб, мўл ҳосил етиштирдилар ва пахта тайёрлаш давлат планини 106 процент бажардилар. «Ромитан» пахтачилик совхозининг коллективи давлатга 11 минг тоннадан кўпроқ пахта топширди.

«Ромитан» совхозининг ва «Ленин йўли» колхозининг механизаторлари машинада пахта териш йиллик планини ошириб бажардилар ва бутун ҳосилнинг 40 процентидан кўпроқ қисмини машиналарда териб бердилар. Механик-ҳайдовчилардан Мукаррам Фузайлова, Асад Иҳромов, Муяссар Баранаева, Зулайҳо Кўкламовалар мавсум давомида 100-120 тоннадан пахта тердилар.

Бухоро, Навоий, Когон шаҳарларининг ишчилари, хизматчилари, олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқувчилари ҳосил йиғим-теримида яхши ишлаб, 30 минг тоннадан кўпроқ пахта тердилар.

Область колхозлари ва совхозлари давлатга дон, пилла, қоракўл тери, сабзавот, полиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мева, узум топшириш юзасидан ўз социалистик мажбуриятларини бажардилар. Сут, гўшт ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш йиллик планини ҳам бажариш юзасидан бутун чоралар кўрилмоқда.

Келгуси йилда пахтадан мўл ҳосил олиш учун шарт-шароит яратиш, чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш ва 1964 йилда олинган барча мажбуриятларни бажариш юзасидан ҳамма колхозлар ва совхозларда иш авж олдириб юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН КП БУХОРО ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ — БУХОРО ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

СОВЕТ—ЧЕХОСЛОВАКИЯ АХБОРОТИ

Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотний бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикасининг партия-давлат делегацияси 30 ноябрдан 4 декабргача Москвада бўлди.

Совет — Чехословакия ахборотида таъкидлаб ўтилганидек, Чехословакия Социалистик Республикасининг партия-давлат делегацияси Совет Иттифоқида бўлган вақтида КПСС ва Совет давлатининг раҳбар арбоблари билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди. Ана шу учрашув ва суҳбатлар вақтида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама қардошларча ҳамкорликни янада кучайтириш ва ривожлантиришга таллуқли кўп масалалар муҳокама қилинди. Муҳим халқаро проблемалар юзасидан ҳамда халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракати масалалари юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала томон ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ҳам, икки томонлама асосда ҳам ўзаро фойдали иқтисодий, илмий техника ҳамкорлиги ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришдан астойдил манфаатдор эканликларини яна бир марта таъкидладилар. Музокаралар давомида ҳар иккала мамлакат саноат ишлаб чиқаришини кооперативлаштириш ва ихтисослаштиришни янада кенгайтириш ва такомиллаштириш соҳасидаги, Совет Иттифоқи ва Чехословакия саноатининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун баъзи хом ашё материалларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш соҳасидаги тадбирлар ўзаро келишиб олинди.

Фикрлашиб олиш давомида, дейилади ахборотда, ҳозирги халқаро аҳволнинг асосий масалаларига баҳо беришда фикрларнинг тамомила бирлиги аниқланди. Ҳар иккала томон социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўли, халқларнинг озодлик йўлидаги революцион ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги мустақил давлатлар билан бирдамлик ва ҳамкорликни ривожлантириш, капиталистик давлатлар билан тинч-тотув яшаш, инсониятни янги жаҳон уруши хавфидан халос қилиш йўли ўз ташқи сиёсатларининг мустаҳкам йўли эканлигини яна таъкидладилар. Улар аввалдагидек ҳозирда ҳам қаттиқ халқаро контроль остида еппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида шартнома тузиш ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлашга олиб борадиган энг муҳим тадбир деб ҳисобламоқдалар. Шу билан бирга, ҳар иккала давлат бу соҳада қисмий тадбирларни амалга ошириш кераклигини ёқлаб чиқадилар.

Томонлар НАТОнинг кўп томонли ядро қучларини вужудга келтиришни қўзда тутган ва Ғарбий Германия милитаризми ҳамда реваншизмига ракета-ядро қуролини қўлга киритишга йўл очиб берадиган планлар тинчликни хавф остида қолдираётганлигига алоҳида эътибор бердилар. Ҳар иккала томон воқеаларнинг ривожини эътибор билан кузатиб боражакларини ва ўз иттифоқчилари билан биргаликда ўз хавфсизлигини таъминлаш учун зарур чораларни кўражакларини билдирадилар. Томонлар ўз куч-ғайратларини бундан буён ҳам бирлаштириб, ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида бир битимга келиш учун ҳаракат қиладилар. Бундай битим мазкур қуролни ядро қуролига эга бўлмаган давлатларга бериш имкониятига тамомила барҳам берган бўлур эди, ёки ядро қуролини ҳар қандай йўл билан, шу жумладан бавосита йўл билан — ҳарбий блоклар ва кўп томонли ядро кучлари орқали олиш имкониятини тамомила йўқотган бўлур эди.

Томонлар ҳар иккала суверен герман давлати билан сулҳ шартномасини тузиш, шунингдек мустақил сиёсий бирлик сифатида Ғарбий Берлин статуси тўғрисида бамаслаҳат бир қарорга келиш Европадаги аҳволни нормаллаштиришга ва бутун халқаро вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берган бўлур эди, деб ҳозирда ҳам ҳисобламоқдалар.

Совет Иттифоқи ва Чехословакия Осиё, Африка ва Латин Америкасининг ривожланиб бораётган давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни тобора мустаҳкамлаш ниятидадирлар. Улар АҚШдаги империалистик доираларнинг революцион Кубага қарши ўтказиб келаётган агрессия ва игвогарлик сиёсатини қатъиян қоралайдилар. АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига карши қуролли игвогарликлари кўпайиб кетганлиги муносабати билан қардош социалистик мамлакатнинг тақдирига бефарқ қарай олмасликларини ва унга зарур ёрдам кўрсатажакларини билдирадилар. Ахборотда яна таъкидлаб ўтилдики, Конгога қарши агрессиянинг ташаббускорлари бўлган АҚШ, Бельгия ва Англия ҳукуматлари зиммасига ана шу жиноий ишларнинг оқибатлари учун ҳамма жавобгарлик юкланади.

Совет Иттифоқи ва Чехословакия Бирлашган Миллатлар Ташкилотини заифлаштиришга қаратилган ҳар қандай уринишларга қарши чиқадилар. Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклаш ва чанкайшичиларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма органларидан ҳайдаб чиқариш БМТнинг самарали ишлаши учун зарур шартдир.

КПСС ва Чехословакия Компартиясининг вакиллари учрашув вақтида партиялар ўртасидаги муносабатларга таллуқли масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Бу муносабатлар мустаҳкам жипслик ва фикрларнинг тўла бирлиги билан характерланади. КПСС ва Чехословакия Коммунистик партияси ҳозирги вақтда тинчлик ва социал тараққиёт иши барча антиимпериалистик кучларнинг жипслигини мустаҳкамлашга ва биринчи навбатда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигига тобора кўпроқ даражада боғлиқдир, деб ҳисоблайдилар. КПСС ва Чехословакия Коммунистик партияси ана шу ҳаракат сафларидаги қийинчиликларни бартараф қилиш, барча қардош партияларни марксизм-ленинизм, пролетар интернационализмининг принципиал асосида, 1957 ва 1960 йилларда Москвада бўлиб ўтган кенгашларининг Декларацияси ва Баёноти асосида жипслаштириш учун бундан буён ҳам ҳаракат қиладилар.

Совет томони шуни таъкидладики, СССР Чехословакия Социалистик Республикаси билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан ўз муносабатларида аввалдагидек бундан буён ҳам КПСС XX, XXI ва XXII съездларининг қарорларига, КПСС Программасига оғишмай амал қилади. Чехословакия Компартияси КПССнинг ана шу йўли ленинизмга садоқатни ва ҳозирги замон шароитларида ленинизмнинг ижодий тарзда ривожлантирилишини ифода этади, деб билади.

Чехословакия Компартияси КПССнинг тинчликни мустаҳкамлаш, социалистик ҳамдўстлик бирлигини ва жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш учун курашда зўр ғайрат билан қилаётган ишларига юксак баҳо беради.

Ҳар иккала партия коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашини ўтказиш ҳозирги шароитда коммунистик ҳаракатдаги қийинчиликларни бартараф қилиш ва коммунистларнинг жаҳон ойласи жипслигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадамдир, деб ҳисоблайдилар.

Совет томони ва Чехословакия томони барча масалалар ўзаро тўла ишонч ва самимийлик вазиятида муҳокама қилинганлигини мамнуният билан қайд қиладилар.

Ахборотни совет томонидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Косигин, Чехословакия томонидан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти А. Новотний ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси И. Ленарт имзоладилар.

(ТАСС).

Умумхалқ контроли

ҲАМИША СЕЗГИР, ҲУШЁР МАРДОН

Клара Ратушнаянинг гапини тингларкан завод кўмаклашувчи группасининг раиси қандайдир ташвиш сеза бошлади. Наҳотки, коммунистик коллектив номини олиш учун курашаётган коллективда, меҳнатда ажойиб муваффақиятларни қўлга киритаётган бир корхонада шундай шармандали ҳол юз берса...

— Албатта кўмаклашамиз, — деди у Кларага. Шундай деди-ю, бу операцияга халқ контролерларидан кимни юборсак экан деб ўйланиб қолди. — Маҳмудовни, Мардон Маҳмудовни юборамиз.

Кларанинг кўнглига ёруғлик тушгандек бўлди. У бу йигит мард, ишчан, йўлидан қайтмаслигини яхши биларди.

— Мардонними, жуда яхши, у билан бирга бўлсак ўғрини қоқ бурнидан илинтирамиз.

Клара шундай деди-да, Самарқанд «Кинап» заводида ишчилар ва хизматчилар партия-давлат контролига кўмаклашувчи группага ўз вакилларини қандай сайлаганларини эслади. Мажлис раиси юборилдиган вакиллар номзоди кўрсатилсин, деганида пресс участкасида ғоят мураккаб аппаратура учун энг нозик деталлар тайёрловчи Мардон Маҳмудовнинг ҳам номи тилга олинган эди. Бундай ажойиб йигитни мақтаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу ерда ўтирганларнинг ҳар бири унинг феълини: иродали, ҳормас-толмас йигит эканлигини билади. Қандай ишга киришмасин, охирига етказмай қўймайди. Бу ерда ўтирган кишиларнинг кўпчилиги меҳнаткаш коллективнинг шаънига доғ туширимоқчи бўлган баъзи жиноятчиларни Маҳмудов вақтида фош қилганлигини ҳам билишади.

Мардон Маҳмудовни ҳамма якдиллик билан сайлади. Орадан сал ўтмай кўпчиликнинг кинссасига қўл солмоқчи бўлган юлғичларни Маҳмудов фош қилганлиги тўғрисида гап тарқалди. Нима бўлибди десангиз, завод территориясини кўкаламзорлаштириш учун мевали дарахт кўчатлари сотиб олиниши керак эди. Баъзи бир юлғичлар мевали дарахт кўчати ўрнига мевасиз дарахт кўчати олиб, ажратилган пулдан уриб қолмоқчи бўлган эканлар. Мардон буни фаҳмлаб қолиб, бонг урди. Айбдорлар жазоланди.

Энди иш, энди топшириқ тағин ҳам муҳимроқ. Ахир, Клара Ратушная мудир бўлган омбордан бир қанча вақтдан буён қимматли асбоблар «ғойиб» бўлиб турса, бунга қандоқ қилиб чидаш мумкин? Ким бўлди бу ўғри? Шунча ҳалол, виждонли, меҳнаткаш кишилар ўртасида писиб юрган, илғор коллектив шаънига доғ туширимоқчи бўлган бу эгри қўлни албатта аниқлаш керак.

Шу фикр, шу ўй Мардонга тинчлик бермай қўйди. У операция режаларини тузаркан, шаҳар партия-давлат контроли комитетига бориб, тегишли йўл-йўриқ олди.

Ғоят нозик деталлар тайёрланадиган цехда бир сменада ишлаш ҳам осон эмас. Ишдан кейин ҳар кимнинг ҳам ором олгиси, оиласига бориб бола-чақалари билан бирга бўлгиси, кино, концертларга боргиси, ҳеч бўлмаса, қадрдон шаҳар боғларини, ҳиёбонларини сайр қилиб юргиси келади. Аммо Мардон ҳозир дам олиш ҳақида ўйлаш пайти эмаслигини яхши биларди. «Битта бурч бор. Бу халқ олдидаги бурч. Ана шу бурчнигни ҳаммадан устун қўйишинг, шу бурчни ўташинг керак! Заводимиз коллективининг шаънига кимки доғ туширимоқчи бўлган бўлса, уни топмасдан қўймайман».

... Мана бир неча кундан буён Мардон Маҳмудов ўзига пистирма, ҳеч ким кўрмайдиган жой танлаб, шу ердан складни кузатиб туради. Ана шу складдан нарса ўғирланган. Лекин, негадир, ўғридан дарак йўқ. Орадан бир кун ўтди, икки кун ўтди. Афтидан, кимдир ўғрини чўчитиб қўйганга ўхшайди. Наҳотки, шунча вақт зое кетса, шунча пойлашнинг нафи тегмаса? Баъзи бир сабрсизроқ кишн бўлса: «Бўлди-да, шунча кутганим етар!» деб кетарди. Аммо Мардон ундай кишилар тоифасидан эмас.

— Барибир қўлга тушасан, — дерди у ўзига-ўзи.

Ана шундай пойлоқчилик билан тағин бир неча кунлар ўтди. Ниҳоят қоронғу кечалардан бирида атрофга аста-секин қараб бир киши омбор томонга писиб келарди. Эшикка етгач у атрофига яна қаради. Ҳеч ким йўқлигини сезгач, чўнтагидан калитларни чиқариб, қулфни оча бошлади. Мардон бу шахсни таниди. Лекин: «Ўғрини жиноят устида қўлга туширишкерак» деб ўйлади. Мардон партия-давлат комитетида, милицияда тажрибали ўртоқлар берган маслаҳатни эслади. «Ҳа, бу ерда шошилишнинг ҳожати йўқ», деди совуққонлик билан у. Шу орада шарпа бинонинг ичкарисига кириб ўз кирдикорини қила бошлади. Ўғри ишини битириб омбор қулфини яна қулфлагандан кейин Мардон Маҳмудов билан Клара Ратушная пистирмадан чиқишди.

— Нима қилиб юрибсиз тунда, Жўраев? — кескин сўради Маҳмудов унинг йўлини тўсаркан. Қаршисида заводда ёнғин хавфсизлигини сақлашдек муҳим вазифа ишониб топширилган шахс турарди. Маҳмудов юрагида бор гапларни айта бошлади: — Мен сендай шахсни завод остонасига яқин ҳам йўлатмасдим.

Жўраев мугомбирлик қилмоқчи, қўлидаги нарсаларни қаердандир топиб олдим, деб ишонтирмоқчи бўларди. Лекин ашаддий ўғри қоқ тумшуғидан илинган эди. Акт тузилди. Завод кўмаклашувчи группасининг илтимосига биноан юрист ҳужжатларни расмийлаштириб, прокуратурага топширди. Ўғри жазоланди.

— Бу халқ мулкига чангал солмоқчи бўлган баъзи бир кишиларга сабоқ бўлиши керак, — дейди Мардон Маҳмудов.

Бу халқ контролери Мардон Маҳмудовнинг ишларидан бир шингил. холос. Мардон ҳамиша ҳушёр, ҳамиша сезгир. Самарқанд «Кинап» заводида халқ контролерларига ишонадилар, уларни ҳурмат қиладилар. Сабаби: партия-давлат контроли комитетига кўмаклашувчи группа аъзолари фақат жиноятчиларни қўлга туширишбилан чегараланиб қолмай, камчиликларни вақтида пайқашга, ножўя ишларнинг олдини олишга ҳам ёрдам бермоқдалар.

Л. ЛЕВИН.

Қўқондаги «Большевик» заводида партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа корхонанинг иши учун жон куйдириб, фаолият кўрсатаётир. Бу ерда юздан ортиқроқ халқ контролёрлари актив ишлаяпти. Уларнинг ёрдами билан топшириқлар муддатидан илгари бажарилмоқда. Кемерово, Магнитогорск ва Куйбишев Халқ хўжалиги кенгашларига қарашли бир қанча корхоналардан металл, электрод ва бошқа маҳсулотлар заводга кечикиб кела бошлади. Халқ контролёрлари ўша маҳсулот етказиб берадиган корхоналардаги партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа аъзоларига мактуб юборишди. Шундан кейин керакли маҳсулотлар вақтида олина бошлади. Жамоат контролёрлари дирекцияга ишлаб чиқаришда бракни тугатишда, ҳар хил ортиқча сарф-харажатларни аниқлаб бершида, меҳнат унумдорлигини оширадиган резерваларни қидириб топишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. «Партия-давлат контроли саҳифаси», «Меҳнат ва кишилар» деган фотогазета мунтазам чиқариб турилади. Бу саҳифа ва фотогазеталарнинг таъсири жуда зўр. Суратда: «Партия-давлат контроли саҳифаси» ва «Меҳнат ва кишилар» фотогазетаси редколлегиясининг аъзолари В. Чигвинцев, С. Ҳаймов, Г. Игонин ўртоқлар фотогазетанинг навбатдаги сонини чиқармоқдалар.

Г. Бойко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

СЕРГАК ПОСБОНЛАР

Калинин номли колхоз аъзолари партия-давлат контролига кўмаклашувчи группанинг фаолиятидан ғоят миннатдор. Шунинг учун ҳам бу ерда уларни «Сергак посбонларимиз» деб аташади.

Колхоз бухгалтери ўртоқ Исмат Ҳусенов раҳбарлик қилаётган кўмаклашувчи группанинг 53 аъзоси бор. Улар колхоз ҳаётида актив иштирок этадилар.

Кўмаклашувчи группа комитетининг ҳар 15 кунда мунтазам ўтказиб туриладиган йиғилишида аъзоларнинг ҳисоботи навбат билан эшитилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш масалалари юзасидан ўтказилган контроль якунлари муҳокама қилинади.

Йил бошидан буён комитетнинг йиғирмадан ортиқ йиғилиши ўтказилди. Унда минерал ўғитларни ташиш ва сақлаш, техникани кўкламга тайёрлаш, чигит экиш, ғўза парвариши, галла ўрим-йиғимини тезлатиш, пахта нобудгарчилигига қарши кураш, колхозчилар меҳнатини ташкил этиш, теримчиларга вақтида аванс бериш, маданий-маиший хизматни кучайтириш каби масалалар муҳокама қилинди. Энг муҳими шундаки, группа комитети муҳокама қилинган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини доим текшириб боради, натижасини расмийлаштиради. Зарур масала билан мурожаат қилган кишиларга ўз вақтида ёрдам беради. Аҳолининг таклиф ва талабларига эътибор билан қараш туфайли кўмаклашувчи группанинг колхозчилар ўртасидаги таъсири тобора ошмоқда. Шунинг учун ҳам колхозчилар энг муҳим масалалар бўйича уларга мурожаат қиладилар, маслаҳат оладилар.

Шу йилнинг баҳорида колхоздаги савдо тармоқлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг қониқарсиз ишлаётганлиги тўғрисида колхозчилардан хат тушди. Группа комитети ўзининг 53 аъзоси ва бригада, ферма ва ишлаб чиқариш цехлари ҳамда мастерскойларда тузилган 19 пост коллективи эътиборини ана шу муҳим масалага қаратди. Уларнинг ёрдами билан магазин, медицина пунктлари ва постларининг қандай ишлаётганини текшириш учун махсус рейд ўтказилди. Контроль текширишларда юз элликдан ортиқ жамоатчилик вакиллари ҳам иштирок этди. Рейд материаллари савдо, медицина ходимлари қатнашган кенгайтирилган комитетда муҳокама қилинди. Кўпчилик ўртасида қаттиқ қизарган магазин мудирлари, фельдшерлар ишни яхшилашга ваъда бердилар. Қарорнинг ижросини текшириш юзасидан яқинда ўтказилган комитетда кўмаклашувчи группа аъзоларидан Ибод Элов, Омон Хўжаев, Умид Болтаев, Жўра Розиқов ўртоқлар савдо ва медицина хизмати аҳолининг ўсиб бораётган талабларидаражасига кўтарилганлигини қувонч билан қайд қилдилар.

Комитет аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланган. Комитет аъзоси В. Набиев, О. Хўжаев, У. Болтаев ўртоқлар колхозда сабзавот, боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш, пилла, гўшт, сут, тухум тайёрлаш планларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Пахтачилик колхоз экономикасида ҳал қилувчи ўрин тутади. Колхоз ҳозиргача давлатга 2200 тоннадан ортиқ пахта сотиб, маррага етди. Шу кунларда ғўзапояни йиғиб олиш, кузги шудгор ва далага маҳаллий ўғит чиқариш давом этмоқда. Кўмаклашувчи группа аъзолари йиғим-теримни уюштиришда фаол иштирок этдилар. Уларнинг ташаббуси билан йўлларда, хирмон жойларда тўкилган пахта териб олинди. Бу ишга қариялардан 26 киши жалб этилди. Шунингдек, пахта нобудгарчилигига қарши кураш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш терим агрегатларини унумли ишлатиш масалалари группа фаолиятининг асосини ташкил этди. Бу соҳада камчиликка йўл қўйган шахслар жавобгарликка тортилди ва хатонуқсонлар ўз жойида тузатилди. Бу масалалар билан шуғулланган кўмаклашувчи группа аъзоларидан Ибод Элов, Жўра Розиқов постларга яқиндан ёрдам бердилар.

Ўтказилган текширишлардан бирида 12-бригада бошлиғи Тоғой Ҳакимовнинг машина теримига ажратилган 13 гектар ердан 6 гектарини қўлда тердиргани, 9- бригада бошлиғи Ҳошим Ҳомидов бошлиқ бригадада хирмон жойларда, йўлларда тўкилган пахта териб олинмаганлиги, ҳосили тўла йиғиб олинмаган майдонлар корчевка қилинганлиги сабабли кўп пахта нобуд бўлганлиги аниқланди. Уларнинг қилмишлари кўмаклашувчи группа йиғилишида муҳокама қилинди. 9- бригада бошлиғи Ҳошим Ҳомидовдан келтирилган 477 сўм зарарни ундириб олиш, бригада табелчисини вазифасидан четлаштириш талаб қилинди. Колхоз правленеси, партия ташкилоти кўмаклашувчи группа қарорини қизғин маъқулладилар.

Кўмаклашувчи группа кишиларни қайта тарбиялашга ҳам катта эътибор бермоқда. Уй-жой қурилиши, томорқа, кексаларга ва меҳнат ивволидларига ёрдам бериш, ёшлар тарбияси сингари масалалар ҳам халқ контролерларининг диққат марказида.

Вобкент бошқармасидаги Калинин номли колхознинг партия-давлат контролига кўмаклашувчи группаси фаолияти тўғрисида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Лекин шунси аёнки, умумхалқ контролини изчиллик билан амалга ошириб келаётган группа колхоз правленеси ва партия ташкилотининг, артель коллективининг жанговар ёрдамчисига айланган.

М. БАҚОЕВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ЖОНКУЯРЛАР

ХАЛҚ КОНТРОЛЕРЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН

Колхоз аъзолари етти йилликнинг олтинчи йили топшириқларини ҳамма соҳалар бўйича муваффақиятли ado этиш учун курашиб, яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Шу кунгача Ватан хирмонига 3500 тоннадан кўпроқ пахта топшириб, йиллик планни 140 процент ado этдилар. Шунингдек, давлатга дон топириш плани 208 процент, гўшт — 103 процент, сут — 131 процент, пилла — 101 процент, жун — 101 процент, тухум — 117,5 процент, қоракўл тери топириш плани 108 процент бажарилди.

Бу муваффақиятлар коммунистлар етакчилигидаги колхоз аъзоларининг фидокорона меҳнатлари туфайли қўлга киритилди. Бу муваффақиятларда колхозда тузилган партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа ва унинг атрофига уюшган активларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Кўмаклашувчи группа колхозда коллективнинг ўткир кўзи, халқ мулкининг чинакам посбонлари сифатида иш кўрмоқда. Бу ерда группа ва постлар ташкил топгандан бери анча тадбирларни амалга оширди.

Масалан, кўмаклашувчи группанинг аъзоси ўртоқ Тоҳир Эломонов зоотехник бўлиб ишлайди. Бегмат Бебитов ва Тунуқ Жўраева пахтачилик бригадасига бошчилик қиладилар. Абдулла Обраҳматов, Хуррам Турсунов ва Араб Жабборов ўртоқлар — агроном. Ўртоқ Олтибой Шопилов — колхозда бош инженер. Постларга аъзо бўлган активлар тўғрисида ҳам ана шундай гапларни айтиш мумкин. Группа ва пост аъзолари халқ назоратчилари сифатида ишлаб чиқаришда учрайдиган камчиликларни бартараф этиш учун фидокорлик кўрсатиш билан бирга бевосита ўзларининг вазифаларини ҳам бошқаларга нисбатан намунали ўтамоқдалар. Чунки, кишининг ўзи ишда илғор бўлмай туриб, бошқаларнинг камчилиги тўғрисида қандай ҳам гапира олади!

Кўмаклашувчи группа (раиси ўртоқ А. Давлатов) фақат шу йилнинг ўзида халқ назоратчиларининг актив иштироки билан йиғирмага яқин оммавий текширишлар ўтказди. Асосий эътибор юбилей йилида пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун курашга ҳамда шу соҳада учраган хато, камчиликларга вақтида хотима беришга қаратилди.

Пахтачиликда йиғим-терим энг масъулиятли давр. Чунки, йил бўйи қилинган ҳалол меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин» тезроқ йиғиб-териб олинмаса, белгиланган мақсадга эришиш қийин. Буни эътиборга олган активлар колхозда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, пахта нобудгарчилигига қарши кураш соҳаларида правление ва партия ташкилотига актив ёрдам беришди. Бунга мисол қилиб, ўртоқ Ҳатам Зоиров бошлиқ бўлган бригададаги воқеани кўрсатиш мумкин. Бу ерда йиғим-терим айни қизиган пайти суръат бирдан пасайиб кетди. Бу ҳол группа аъзоларини ташвишлантирмай қолмас эди. Шунинг учун дарҳол ишга киришилди. Зарур тадбирлар белгиланди. Натижада қўшимча равишда 32 киши теримга жалб этилди.

Ҳали ҳам жамоат манфаатидан кўра ўз шахсий манфаатини устун қўйиб, енгил-елпи йўллар билан бойлик орттириш ниятида яшайдиган кишилар йўқ эмас. Бунга мисол қилиб, 10-пахтачилик бригадасининг табелчиси Очилхон Эсоновни кўрсатиш мумкин. У ғўза парваришн даврида ўз қариндош-уруғларига қилинмаган ишлар учун ҳақ ёзган. Бу факт бир группа халқ назоратчилари томонидан аниқланди. Масала барча табелчиларнинг иштирокида кўмаклашувчи группанинг йиғилишида муҳокама қилинди. Сўнгра шу масала колхоз правлениесининг мажлисига киритилди. Ишда қаллоблиққа йўл қўйган Очилхон Эсоновдан 51 сўм 70 тийин ундириб олинди.

Кўмаклашувчи группанинг ўйлаб тузилган иш плани бор. У бир ойга мўлжалланиб группа аъзоларининг актив иштирокида тузилади ва кўрсатиладиган масалаларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат олиб борилади. Планлаштирилган барча масалалар ўз вақтида текширилиб ҳал этилади. Чунки режа тузилганда ким қандай вазифани қачон бажариши, масалани ким тайёрлаши олдиндан белгилаб қўйилади. Бу ҳам кишиларнинг активлигини оширишда ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Группа аъзоларининг ҳаммаси маълум соҳа бўйича аниқ топшириққа эга, вазифалар ўзаро бўлиб олинган. Бу ҳам ўз навбатида ишнинг яхши боришига дуруст таъсир этмоқда. Группанинг алоҳида ишхонаси бор. Иш билан келиб-кетувчиларни қабул қилиш учун бу ерда ҳар куни группа аъзоларидан навбатчилар туради.

Шунингдек, группанинг олиб бораётган ишларини кўрсатувчи кундалик дафтар бор. Бу дафтар кўмаклашувчи группа ва постлар қилаётган ишларнинг ойнаси дейиш мумкин. Чунки кундалик дафтарга қилинган барча ишлар системали суратда ёзиб борилади. Шу билан бирга бу ерда халқ контролёрларининг ўқиши ҳам яхши ташкил этилган. Улар билан вақт-вақтида семинарлар, инструктаж-мажлислар ўтказилиб турилади. Қилинган ишлар умумлаштирилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинади.

Группа ва постларнинг ишдаги муваффақияти кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг ёрдамига ҳам боғлиқ. Бу тўғрида гап кетганда шуни айтиш керакки, партия ташкилоти группа ва постларнинг иши устидан дуруст раҳбарлик қилмоқда. Бу масала вақт-вақти билан партия мажлисларида муҳокама қилинади. Меҳнаткашларнинг умумий йиғилишларида комсомол, касаба союз ташкилотларининг мажлисларида группа раисининг қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи эшитилади. Бу тадбир ҳам группа ва пост фаолиятининг тобора яхшиланишига катта ёрдам кўрсатмоқда.

У. ИСМОИЛОВ.
Қарши бошқармасидаги «Коммунизм» колхози.

СИФАТ УЧУН КУРАШ—ШИОРИМИЗ

Улкан қозондаги буғ махсус сўрғичлар билан трубаларга узатиляпти. Адис Бердиев қизил кнопкани босиб, қозонга кислота томизади. У билан ёнма-ён меҳнат қилаётган Ғулом Қурбонов қоракўл терилари транспортёрларда ошлаш цехига узатиш билан банд.

Қўшни цехга бир қанча ишчиқизлар келишди. Улар тажрибали ишчи, моҳир ташкилотчи Лидия Иванова бошчилигида маҳсулотларни зийраклик билан тез-тез саралай бошладилар. Қизларнинг чаққон ҳаракатларини кузатиб турган Ғулом ака Лидия опага яқин келиб:

— Эҳтиёт бўлинг, маҳсулот сифати бузилмасин, — деди.

— Ўзимиз ҳам биламиз, — гап қайтарди ишчилардан бири.

— Ғулом ака тўғри айтяптилар. Улар бизнинг назоратчимиз, — дея ишчиларга тасалли берди Лидия опа.

Шундан кейин сортловчилар маҳсулот сифатини янада яхшироқ текширар ва смена топширигини ортиқ билан бажаришга интилишар эди.

Смена охирида корхона цехлари бўйлаб юрган Турсун Муродов бошлиқ партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа аъзолари кириб келишди. Улар сортловчилар ишини ва ошлаш цехидаги меҳнат жараёнини кўздан кечирдилар. Сўнгра терилари ошлаш вақтида сифати бузилаётгани, яъни ҳарорат ортиқлигидан баъзи терилларнинг ранги бузилгани аниқланди. Кўмаклашувчи группа аъзоси Ғулом ака Қурбонов сортловчилар пича шошилаётганини айтди.

— Ғулом аканинг тажрибаси ҳаммамизга ибрат бўлади, — деди Турсун Муродов ёш ишчиларга, — умуман, корхонамиздаги кекса ишчиларнинг маслаҳатлари, назоратчиларнинг эътирозлари бизга сабоқ бўлади...

Смена охирида ўтказилган йиғилишда партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа аъзоларининг фаолиятини корхона ишчилари якдиллик билан мақуллядилар. Йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш учун конкрет тадбирлар белгиланди.

Бухородаги қоракўл заводининг аҳил коллективи маҳсулот сифатини янада ошириш, унинг таннархини арзонлаштириш йўлида зўр уюшқоқлик билан меҳнат қилаётир. Маҳсулотни сифатли, пишиқ, чидамли қилиб тайёрлашда Р. Ҳошимов, А. Бердиев, Ж. Раҳимова каби меҳнатсеварлар айниқса алоҳида намуна кўрсатмоқдалар.

— Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишда, — дейди завод партия комитетининг секретари Содиқжон Насриддинов, — партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа аъзолари яхши ташаббус кўрсатишяпти. Т. Муродов бошлиқ кўмаклашувчи группанинг фаолиятидан ишчиларимиз ғоят мамнун. Чунки уларнинг ташаббуси билан яқинда иккинчи цехда бракнинг олди олинди. Бу билан давлатнинг бир неча ўн минг сўмлик маблағини тежаб қолишга эришилди. Кўмаклашувчи группанинг фаолиятини кўрсатадиган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Завод цехларида ҳаёт қайнайди. Ишчилар ўз меҳнатларидан ғоят мамнун. Улар кун сайин кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, эл-юртни сифатли қоракўл тери билан таъминлаш ишқида меҳнат қилишяпти. Заводнинг қайси бир цехида бўлманг, бракка қарши кескин кураш бораётганини кўрасиз. Ишчилар партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа аъзоларининг фаолиятидан ғоят миннатдор бўлишмоқда.

Т. НАЗИРОВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН

„ИМИЛЛАШГА ЎРИН БОРМИ?“

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 22 октябрь сонида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг бўлим мудири Ш. Шомуҳиддиновнинг юқоридаги сарлавҳали танқидий мақоласи босилди. Унда Тошкент ва Самарқанд областларида пахта қуритиш ва тозалаш цехлари ремонти ва реконструкцияси кечиктирилаётгани, пахта пунктлари ва заводларда Биковлар сушилкаси ўрнатишга етарли эътибор берилмаётгани, муваққат сушилкаларни доимий сушилкаларга айлантириш чоралари кўрилмаётгани қаттиқ танқид қилинган эди.

Тошкент область «Заготхлопкоуб» трестининг бошқарувчиси С. Нишонбоев шу муносабат билан редакцияга қуйидагиларни билдирди:

Танқидий мақола трест ходимлари орасида муҳокама қилиниб, унда келтирилган фактлар тўғри эканлиги эътироф этилди. Йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Пахтакор хўжаликларидаги пахта қуритиш-тозалаш цехлари тўла ишга туширилди. Турли жиҳозлар комплекти етишмаслиги туфайли пахта пунктларида Биковлар сушилкаси ўрнатилмаган эди. Пахта йиғим-терими даврида бу камчилик бартараф этилди. Чиноз, Далварзин, Пискент, Оқмўғрон, Бўка пахта заводлари ҳузуридаги тайёрлаш пунктларида, Янгийўл, Тўйтепа, Алимкент пахта пунктларида ана шундай сушилкалар ўрнатилди. Тошкент пахта заводининг Ўрта Сарой, Қорасув, Янгибозор пунктларида Биковлар сушилкаси ўрнатилмоқда.

«УМУМХАЛҚ КОНТРОЛИ» ПОЧТАСИДАН

ЧАЛАКАМ-ЧАТТИ

«Ингичка» кони қурилиш бошқармаси бир вақтлар бинойидек уйлар, одам юрса ҳавас қиладиган текис йўллар қурарди. Лекин унинг шу кунларда бажараётган ишлари ҳақида бирор яхши гап айтиш маҳол. Мазкур коллектив аъзолари ҳозир қураётган уйларга кирган кишининг энсаси қотади. Эшиклари очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Девор сувоқлари ёрилиб кетган, поллари ғижирлайди.

Бошқарма қураётган йўллар ҳам худди шунақа. Чунончи, янгидан қурилаётган Каттақўрғон — «Ингичка» йўлига асфальт ётқизишнинг сифатига мутлақо эътибор қилинмаяпти. Оқибатда 2100 квадрат метр асфальт ётқизилган йўл бракка чиқарилди. Бу эса давлатга 1676 сўм зарар келтирди, деган сўз. Хўш, бунга кимлар айбдор? Қурилиш участкасининг бошлиғи Н. Халитов ва прораб Н. Бистров ўртоқларнинг иш усулларига эътибор берсангиз, бу саволга жавоб топилади. Мазкур ўртоқлар кўпинча ишнинг фақат ҳажмига қизиқиб, сифатини ўйламаётирлар. Бироқ, шуниси ачинарлики, бошқармадаги партия-давлат контролига кўмаклашувчи группа раиси В. Маклецов ва группанинг бошқа аъзолари қурилиш сифатини назорат қилиб боришни унутиб қўяётирлар.

М. ЭЛМУРОДОВ.

ҲАҚИҚИЙ АҲВОЛ ШУНДАЙ

Бошқарма партия-давлат контроли комитети Узбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Партия-давлат контроли комитетининг шу йил 7 сентябрда колхоз ва совхозларда чорва қишловига тайёргарликни назорат қилишни ташкил этиш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, 9 хўжалигда текшириш ўтказди. Текширишда кўмаклашувчи группа ва постларнинг аъзоларидан 11 киши қатнашди. Халқ контролерлари бошқармадаги кўпгина колхоз ва совхозларда ем-хашак тайёрлаш, янги молхона ва қўйхоналар қуриш ҳамда эскиларини ремонтдан чиқариш, механизация воситалари ва бошқа ускуналарни қишловга тахт қилиб қўйиш ишлари ҳануз пайсалга солинаётганини аниқладилар. Бошқарма бўйича планда кўрсатилган 30.850 ўрнига 20000 тоннадан сал ошиқроқ дағал хашак тайёрланган. Силос бостириш плани ҳам 75 процент бажарилган, холос.

Охунбобоев номли колхозда дағал хашак тайёрлаш плани 50 процент, силос бостириш плани эса 48 процент ado этилган. Молхона, қўйхона ва бузоқхоналар ремонти эса ҳалигача тугалланмаган. Ем-хашакни чорва моллари қишлайдиган жойга ташиб келтириш ҳам ўлда-жўлда қолиб кетган. Текшириш ўтказган халқ контролёрларининг таклифига кўра, колхозда партия йиғилиши ўтказилиб, унда чорвачилик фермасининг мудири ўртоқ Авезовнинг ҳисоботи эшитилди. Партия йиғилиши чорва қишловига тайёргарлик кўришдаги камчиликларни дарҳол бартараф қилишга қаратилган амалий тадбирлар белгиланди.

«Коммунизм» колхозида (раиси ўртоқ Қурбонов) ҳам аҳвол ёмон. Бу ерда 2500 тонна ўрнига, атиги 848 тонна хашак, 2100 тонна ўрнига 899 тонна силос бостирилган. Бошқармадаги Карл Маркс номли, Калинин номли қишлоқ хўжалик артелларида ҳам қишловга тайёргарлик суст. Молхона ва қўйхоналар ремонти ҳам пайсалга солиняпти. Ихтисослаштирилган чорвачилик совхози, шунингдек «Амударё», «Шумана» совхозларида ҳам чорва қишловига тайёргарлик ишлари қониқарсиз аҳволда.

Бошқарма партия-давлат контроли комитети текшириш натижаларини кўриб чиқиб, хўжаликларнинг раҳбарларига, жойлардаги кўмаклашувчи группаларнинг аъзоларига чорва қишловига ҳозирлик кўришда рўй берган камчиликларни тезроқ бартараф қилишга қаратилган чоралар кўриш ҳақида кўрсатма берди.

А. ҚОДИРБОЕВ.
Хўжайли бошқармаси партия-давлат контроли комитетининг раиси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ 2
8 ДЕКАБРЬ, 1964 ИЛ
№ 283 (12.937).

ИСРОФГАРЧИЛИК

Цемент ортилган вагонлардан юк чала-чулпа туширилаётгани ҳақида бир неча актлар тузилди. Улар «Каршистепстрой» раҳбарларига ҳавола қилинди. Бироқ сира ўзгариш бўлмаяпти. 9, 20, 23 сентябрда келган вагонларда 2-3 тоннаклаб цемент қолиб кетган. Шундай воқеа 23 октябрда ҳам такрорланди.

28 ноябрь куни станцияда цемент ортиб келинган 3 вагонни юваётганимизда ҳайратдан ёқамизни ушладик. Наҳотки шундай қимматбаҳо қурилиш материалига шундай бефарқ муносабатда бўлинса! «2237270» номерли вагонда 3 тонна 500 килограмм цемент туширилмай қолиб кетган. «2467428» номерли вагонда 4 тонна, «2274942» номерли вагонда эса 2 тонна 800 килограмм цемент туширилмай қолдирилган.

Ҳисоблаб кўринг, қанча цемент исроф бўлди! Бу кимнинг ҳисобига? Жавобини «Каршистепстрой» раҳбарларидан эшитишга орзумандамиз.

У. МУРОДОВ.
Қарши темир йўл станцияси.

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАНГ

Тун. Қишлоқ хонадонларидаги чироғлар ўчган. Ҳамма уйқида. Аммо сокин тун нашъасини суриб, далада «пўлат от»ни тиндирмай ишлаётганлар бедор. Улар ҳозирги ёғинсиз ҳар бир кун ва тун, ҳатто ҳар бир соатни ғаниматдек билиб, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратяптилар.

Тунги ҳайдовчи кўриш ниятида далага чиқдик. Раис Худойберди Ражабовни 8-бригадада учратдик. Бу бригадага ёш агроном Саломат Усмонова раҳбарлик қилар экан.

— Бу кишн янги бригадир, — дея таништирди раис. — Олдин участка агрономи эдилар. Шу бригадамиз бошлиғи ишни уддалай олмагач, ўрнига бу кишини бригадир қилиб тайинлаган эдик. Келаси йил 130 гектар ернинг ҳар гектаридан камида 30 центнердан ҳосил олишмоқчи.

Шудгор оралаб кетаётиб, раис қўлидаги таёқчани ерга суқиб кўрди. 35 сантиметр. Ўн қадам юриб яна ўлчади — 34 сантиметр. Бошқа жойни ўлчаганда 38 сантиметр чиқди. Шу пайт яқинлашиб келган трактор тўхтади. Унинг кабинасидан барваста, қирқ ёшлар чамасидаги киши тушди.

— Ернинг таги заранг бўлиб кетибди, ҳар қанча зўр берсам ҳам қирққа етказолмаяпман раис ака, — деди у. — Суғоролмаганимиз ёмон бўлди-да. 38 сантиметрга қўйсам ҳам уч корпусни трактор тортолмаяпти.

— Ишқилиб 35 дан камайтирмасангиз бўлгани, — деди раис тракторчи билан кўришаркан. — Қалай, нечаси зерикиб қолаётганингиз йўқми?

— Зерикишга вақт қаерда дейсиз, — жавоб берди Абдураҳмон. Кўз толиққанда бир оз гурунглашиб, чой-пой ичиб оламиз.

Чиндан ҳам бу ерда зерикишга вақт йўқ. Карта чекасида, гўнг ғарами ёнида погрузчик тинмай ишлаб турибди. Ўғит сочадиган учта «РПТМ» маркали машина ҳам пайналда. Саид Ҳазратқулов, Абдулла Майдонов, Хушвақт Отаев ва погрузчикни бошқараётган Омон Зиёевлар раис келганини кўрганларида ҳам у билан ишора қилиб саломлашдилар, «пўлат от»лари дамини ўчирмадилар.

Ишнинг бориши ва сифатидан кўнгли хотиржам бўлган раис, эн. ди қўшни бригадага ўтайлик, деди. У ерда тракторчи Мейли Рўзиев билан суҳбатлашдик:

— Ўтган йили шудгорни барвақт тамомлаб, ерни яхши тўйғизган эдик. Ер ҳам биздан неъматини аямади, — деди у. Пахта тайёрлаш йиллик планини 121 процент бажардик.

— 121 қилдим деб мақтанмасангиз ҳам бўлади Мейливой, — деди раис. — Самад Қодиров бригадасининг 161 процентга етказгани. ни, Нодир Назировлар чоракам икки юз процент пахта топширганини эшитгандирсиз. Қўйлибобо, Жўра акангиз, Пўлат, Панжи, Ҳусанларнинг бригадалари ҳам планни 150-160 процентдан бажаришди. Шу ерни бултур ҳам ўзингиз ҳайдагансиз. Чуқурлиги неча сантиметр бўлганди, эсингиздами?

— Ҳа, раис ака, планимиз ошганига ростдан ҳам сал ҳавойи-лашганга ўхшаймиз, узр. Бултур ишни жадаллаштирамиз деб 25 сантиметрдан ҳайдаб юборган эдик. Дамимиз ичимизда. Агар 30 сантиметр бўлганда 30 центнердан хирмон кўтарар эканмиз. Бу йил сифатга зўр беряпмиз. Истаган ерингиздан ўлчаб кўринг, 35 сантиметр чиқмаса биз айбдор.

Раис ҳам зерикмай бир неча жойни ўлчаб кўрди.

— Мана бу ишингизга қойилмиз, — деди раис тракторчининг елкасига қоқиб. — Қишда яхобни ҳам боплаб берсангиз, келгуси йили 30 центнердан олаверасиз.

Қарши бошқармасидаги «Ленинизм» колхозида деҳқончилик маданиятини оширишга, айниқса ерни кузда сифатли шудгор қилиб, қишда яхоб бериш ва кўпроқ нам тўплашга эътиборни кучайтириш натижасида ҳосилдорлик тез ошиб бормоқда. Колхозда бултур ҳар гектар ердан 17,9 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил 22 центнерга етказилди. Шартли суғориладиган ерлар учун бу ёмон кўрсаткич эмас. Келгуси йили ҳосилдорликни камида 25 центнерга етказиш мўлжалланяпти.

Шу мақсадда ҳосилдан бўшаган майдонларнинг ҳар гектарига 5 тонна чиритилган гўнг ва 200 килограммдан суперфосфат солиб, чуқур шудгор қилиняпти. Бу ишга 22 тележка, 14 автомашина, 2 погрузчик, 4 та «РПТМ» маркали ўғит сочувчи машина ва бир бульдозер ажратилган. Колхоздаги 6 тракторга гидравлик усулда ишлайдиган плуг ўрнатилган. Бу, колхозда 12 плугчини бошқа ишга кўчириш ва 1450 сўм маблағни тежаш имконини берди.

Колхоз раҳбарлари хўжалиқда қўлланаётган яна бир қимматли тажрибани айтиб беришди. Ўтган йили узунасига ҳайдалган ер бу йил кўндаланг ига ҳайдаляпти. Шундай қилинганда тупроқ қатламлари тўла ағдарилади ва ер структураси яхшиланади.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти тракторчиларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳар бир тракторчи сменада 3,3 гектар ерни ҳайдаши керак. У шу нормани бажарса 4 сўм 20 тийин ҳақ олади.

Бундан ташқари колхоз правленеси ва партия ташкилоти иккита кўчма Қизил байроқ таъсис этган. Экипажлараро мусобақа якуни ҳар беш кунда якунланади. Беш кунда 42 гектар ерни сифатли ҳайдаган экипаж аъзоларига кўчма Қизил байроқ ва 15 сўм, 38 гектар ерни ҳайдаган экипажга эса иккинчи байроқ ва 10 сўм мукофот берилди.

Бу тадбирлар ерларни тез, соз шудгорлашга имкон бераётир. Колхозда 2000 гектар ҳайдалган ердан 1350 гектари шудгорлаб қўйилди.

З. ИСРОИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

„ХЛОРЕЛЛА“ ШАРОФАТИ

Республика «Главзаготскотооткорм» хўжаликларида молларни семиртириш юзасидан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Пахта саноати чиқиндилари — шелуха, кунжара ва шротдан молларни боқиб семиртиришда яхши фойдаланилаётир.

Маълумки, чигит кунжараси ва шрот таркибида 200 граммдан 319 граммгача оқсил бор. Бироқ, уларда каротин ва витамин кам бўлганлиги сабабли, оқсил тўла ҳазм қилинмайди, шунга кўра, кунжара билан шротнинг қиммати камаяди.

60 кун давомида нуқул шелуха бериб боқилган қорамоллар ва майда моллар организмида витаминлар етишмай, улар турли касалликларга йўлиқиши мумкин. Масалан, Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро, Самарқанд областларидаги бир қатор бўрдоқичилик хўжаликларида 1962 ва 1963 йиллар давомида бўрдоқига боқилган молларнинг 3-5 проценти белгиланган муддатда яхши семиртирилмади. Бу моллар заҳарланиб, тез семирмади. Оқибатда, мазкур хўжаликлар давлатга бир неча юз тонна кам ғўшт етказиб бердилар.

Республика «Главзаготскотооткорм»нинг зооветеринария мутахассислари бунинг олдини олиш ва бурдоқига боқилаётган молларнинг семиз бўлишини таъминлаш устида жиддий иш олиб бордилар. Бунинг учун «Хлорелла» (бир ҳужайрали сув ости ўсимликлари) ёрдамга келди. «Хлорелла»нинг таркибида 45 процентгача оқсил, витаминлар комплекси, микроэлементлар, шунингдек, лимон, холин, биотин ва бошқа кислоталар бор. Шу билан бирга, унда 73 миллиграмм процентгача каротин ҳам мавжуддир. Шундай қилиб, «хлорелла» биологик стимулятор сифатида йирик ва майда шохли моллари семиртиришда жуда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон шароитида «Главзаготскотооткорм» системасидаги кўпгина хўжаликлар қорамолларни ва майда моллари, шунингдек, чўчқаларни бўрдоқига боқишда биринчи бўлиб «хлореллаэдан кенг фойдаланмоқдалар. «Хлорелла»нинг биостимулятор ҳамда ҳайвонлар организмининг алкоголоид госсипол билан заҳарланишини йўқотишдаги фойдали хусусиятини биз кўпгина қорамоллар ҳамда чўчқалар устида олиб борган тажрибаларимизда кўрдик. Масалан, Тошкент областидаги Оржоникидзе бўрдоқичилик пунктида, Самарқанд, Бухоро, шунингдек, Тошкентдаги марказий қорамолчилик базасида тажрибалар ўтказдик. Бунинг учун тажриба ҳамда контроль группалардан иборат ҳайвонлар танланди. Ҳар иккала группадаги моллар бир хил шароитда сақланди. Уларга кун тартибида белгиланган рацион асосида ем берилди, суғорилди. Лекин тажриба группасидаги моллар шелуха ва шротдан ташқари «хлорелла» билан ҳам боқилди. Контроль группадагиларига эса, «хлорелла» берилмади.

Қорамоллар (тажриба группасидаги) 60 кун давомида ҳар куни рационга қўшимча равишда 3-4 литрдан «хлорелла», чўчқалар эса (тажриба группадаги) 2 литрдан «хлорелла» бериб боқилди. Чўчқаларга «хлорелла» комбикорма билан аралаштириб берилди, қорамолларга эса сувга қўшиб берилди.

Натижада, тажриба группаларидаги қорамоллар ва чўчқалар контроль группаларига нисбатан 25-30 процент кўп семирди. Масалан, Тошкентдаги марказий базада ва Оржоникидзе бўрдоқичилик пунктида тажриба группаларида боқилган қорамолларнинг ҳар биридан контроль группадагига қараганда 6-8 килограммдан кўпроқ ғўшт олинди. Қорамоллар бир кеча-кундузда ўртача 900-1000 граммдан семирди.

Қорамолларни ва чўчқаларни «хлорелла» билан боқиш семиртириш ҳисобига ҳар бир килограмм ғўшт етиштириш учун сарфланадиган ем-хашак харажатларини 1,5-2 озуқа ўлчовига қисқартириш, молларнинг бир суткада 800-1000 граммгача семириши, ҳар бош молнинг «хлорелло» берилмасдан боқилган молларга нисбатан 6-8 килограммгача кўп семириши ва шу билан бирга, уларнинг соғлом ўсиши имконияти берди.

Ҳозирги вақтда «хлореллаэдан кенг фойдаланиш ва уни барча хўжаликларга жорий этиш мақсадида республикадаги қарийб ҳамма бўрдоқичилик пунктларида «хлорелла» етиштирувчи сув бассейнлари қурилмоқда. Бу бассейнларнинг диаметри 5-6 метр бўлиб, 15 сантиметр чуқурликда қазилади ва цемент ётқизилади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Фарғона областларида бўрдоқичилик пунктларида «хлорелла» етиштирилиб, молларга берилмоқда.

Ҳавонинг ҳарорати анча пасайди. Қиш-кировли кунлар келяпти. Оржоникидзе районидаги бўрдоқига боқиш пункти ҳамда Тошкентдаги Марказий қорамолчилик базаси коллективлари «хлорелла»ни етиштирувчи сув бассейнларини ишитмоқдалар, уларни автоматлаштирмоқдалар. Бу хўжаликлар қиш шароитида ҳам «хлорелла» етиштириш ва молларнинг тез семиришига эришиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Республикамиздаги бошқа хўжаликлар ҳам «хлорелла» етиштириш ишига жиддий аҳамият беришлари лозим.

П. НЕСКУБО,
Ўзбекистон ССР «Главзаготскотооткорм»нинг зоотехниги.

Улкан хирмон кўтарган пахтакор келгуси йилда ҳосилнинг янада баракали бўлиши учун ҳозирдан ғайрат билан иш бошлади. Суратда: 1-«Далварзин» совхозида ерлар шудгор қилинаётир.

А. Абалян фотоси.

ҲОСИЛДОРЛИК 8 ЦЕНТНЕР ОШДИ

Пахтаорол бошқармасидаги Абай номли колхоз аъзолари 1242 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил йиғиштириб олиб, планни ошириб адо этдилар. 1962 йилдагига қараганда гектар бошига саккиз центнердан кўп ҳосил олинди.

Хўш, колхоз бу муваффақиятларга қандай қилиб эришди? Янги раис Шуренбой Турғонбоев кадрларнинг қалбига йўл топди. Колхознинг ер-сув шароитини ўрганиб чиқди. Колхоз партия ташкилоти ҳамда активлар билан маслаҳатлашиб, раҳбарликка уқуви бўлмаган Бойчиқ Сиддиқов, Хўжабой Жоқибоев, Омонкелди Эркабоев ўртоқлар ўрнига эпчил ва меҳнатсевар коммунистлардан — Чоқирбой Айтбоев, Жума Сейтбеков, Бойзоқ Жўраев ва механизатор Ерлиқосим Болиқбоев ўртоқлар бригада бошлиқлари этиб тайинланди. Улар масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда ўз бригадаларига моҳирлик билан бошчилик қилдилар. Натижада ҳамиша қолоқ ҳисобланиб келинган бу бригадалар ҳам илғорлар сафига чиқиб олди.

Колхозда кадрлар қайта кўриб чиқилгач, меҳнат янгичасига ташкил этилди.

Пахта йиғим-терими эўр уюшқоқлик билан бошланди. Тани-жони соғ бўлган ҳар бир киши ўзини пахта учун курашга сафарбар деб билди. «Зангори кема»ларга кенг йўл очиб берилди. Пахта далаларида бетиним жавлон урган йиғирмадан ортиқ агрегат унумли ишлади, машина терими плани 200 процент бажарилди. Сарсонбек Тўлепов, Ўроз Жангибоев сингари моҳир механик-ҳайдовчилар 120-140 тоннадан «оқ олтин» теріб, колхоз хирмонига барака қўшдилар.

Далаларда ҳали ҳосил анча бор. Колхоз аъзолари буни ҳисобга олиб, гектаридан яна 3 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилганлар. Шу билан бирга улар ҳосили батамом йиғиб-териб олинган майдонларни ғўзапоядан тозалаб, шудгорлашни қизитиб юбордилар.

С. ТУРДИЕВ,
Сирдарё области.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МИНБАРИ

ШУДГОРДА ГАП КЎП

Колхозимиз пахтакорлари бу йил яхши меҳнат қилдилар. 2010 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,3 центнердан ҳосил олиб, улкан хирмон кўтардик. Ўтган йилга қараганда пахта тайёрлаш плани сал кам бир ой олдин бажарилди. Бу келаси йилги ҳосил учун замин ҳозирлашга катта имконият туғдирди.

Биз ҳар йили ҳосилни йиғиштириб олгандан сўнг бутун эътиборни шудгорлашга қаратамиз. Одатда деҳқоннинг ҳисоб-китоби шудгордан бошланади. Кимки ерни эрта шудгор қилса, чигитни ҳам эрта экади, ҳосилни ҳам эрта етилтириб, уни барвақт йиғиб-териб олади. Пахтакорнинг омади, шуҳрати ҳам, кўп ҳосил олиши ҳам шудгорга боғлиқ.

Шудгор, биринчидан, ернинг қувватини ошириб, тупроқнинг структурасини яхшилайди, уни донадор қилиб, ширасини оширади. Иккинчидан, чуқур шудгор қилганда ернинг юзидаги тупроқ остки қатламга тушиб, пастдаги тупроқ юзага чиқади. Ана шу «оч» тупроқ қуёшнинг иссиғи ва ҳавони ўзига тез қабул қилиш хусусиятига эга бўлади. Бу ўз навбатида ўсимликнинг ривожи учун муҳим аҳамиятга эгадир. Шу билан бир вақтда шудгор ҳар хил зararкунанда ҳашаротларнинг офати ҳамдир. Биз буни ўз тажрибамизда синаб кўрдик.

Шу неча-кундузда дала ишлари конвейер усулда олиб бориляпти. Ерни ғўзапоядан тозалаш олдидан универсал тракторга сихмола тиркаб, ғўзапояли майдон устидан бир сидра юргизиб чиқмоқдамиз. Натижада ғўзапоядаги барг, чаноқ ва майда шохлар ерга тўкилиб, фақат шип-шийдон поянинг ўзи қоляпти, холос. Шундан кейингина карчовка ишга солиняпти. Ўрилган ғўзапоя эса аравада пешма-пеш карталарнинг чеккасига ташиб чиқариляпти.

Шудгорлаш олдидан «СУЗ» аппарати билан ҳар гектар ерга етарли миқдорда минерал ва икки-уч тоннадан маҳаллий ўғит соляпмиз. Ғўзапоялардан тўкилган барг, чаноқ ва шохлар ғўза айни гулга кирган пайтда чириндига айланиб, икки-уч тонна маҳаллий ўғитнинг қувватини беради.

Далада 14 та ҳайдов тракторн тинимсиз ишлаб, кунига 75-80 гектар ерни сифатли ҳайдаяпти. Ҳозиргача 500 гектарга яқин майдонни шудгорлаб қўйдик.

Кузги шудгорлашнинг муваффақияти асосан механизаторларга боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Агар улар ғайрат қилса, унумли ва сифатли ишласа ер ҳайдаш барвақт тугалланади, сифати ҳам кўнгилдагидек бўлади. Бунинг ҳосилдорликни оширишга катта фойдаси тегиши турган гап. Лекин механизатор яхши ишлаши учун унга яхши шароит яратиб бериш, иссиқ-совуғидан ҳабардор бўлиб туриш зарур. А. Оққўзиев, И. Нурбоев, И. Очилов ўртоқлар каби илғор тракторчиларимиз жонбозлик кўрсатиб ишлаяптилар. Бу азаматларнинг ҳар бири мавсумда 200-250 гектар ерни ҳайдаб бериш мажбуриятини олиб, кунига нормадаги 6 ўрнига 8-9 гектар ерни шудгорлаяпти. Тракторчиларга қулай иш шароити яратиб берилгани, улар иссиқ кийимлар билан таъминлангани бу соҳада катта роль ўйнаяпти. Ер ҳайдашда банд бўлган ишчиларга ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат қилиб бериляпти. Ҳар ўн беш кунда аванс пуллари ҳам бериб бориляпти.

Кузги шудгорлашни узоғи билан 20 декабргача тамомлаймиз. Бунинг учун бизда ҳамма шарт-шароитлар бор. А. Тожиев, Н. Халилов ва Д. Хўжанов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда шудгорлаш тамомланди.

Биз яқинда колхоз правленеси ва партия ташкилотининг мажлисини ўтказиб, шу кунларда қилиниши керак бўлган ишлар, қишки гадбирлар ва келаси йил режалари ҳақида фикрлашиб олдик. 1965 йили ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказиш ҳақида қарорга келдик. Албатта шундай бўлади.

М. ЖУРАЕВ.
Шўрчи бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг раиси.

РАҚАМЛАР ТАҚҚОСЛАНГАНДА

Шаҳрисабз консервачилари ўн бир ойда ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 270 минг сўмлиндан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқардилар.

Бу ердаги пахта тозалаш заводи, колхозлараро қурилиш ташкилоти, ремонт қурилиш участкаси коллективлари қам ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришаётирлар. Ҳар бир корхона ва ташкилот ўтган йилдагидан 15-30 процент ортиқ маҳсулот тайёрлади, қурилиш ишларини бажарди. Бу шаҳрисабзлик ишчилар йилни қўнгилдагидек якунлаётганликлари нишонасидир.

К. МУРОДОВ.

Солдат МАКТУБЛАРИ

ҲАЁТ МАКТАБИ

Мамлакатимизнинг турли чеккаларида ҳарбий хизматни адо этиб, улуғ Советлар юртининг муносиб посбонлари бўлган Ўзбекистонлик солдат йигитлардан редакциямизга кўплаб хатлар келиб турибди. Мактуб авторлари халқимиз ва партиямиз наказларини шараф билан бажараётганликлари. ни завқ-шавқ билан ёзадилар.

— Ҳарбий хизмат ҳаёт мактаби экан. Бу мактаб кишининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишига ёрдам бермоқда, — деб ёзишибди ўз мактубларида солдатлардан Ф. Азимов, Б. Арсловлар.

Оддий солдат Т. Мирзаалиевнинг мактубида эса қуйидаги сатрларни ўқийсиз:

— Мен ҳарбий хизматга келиб кўп нарса орттирдим. Лекин улардан энг муҳими, энг қимматлиси жойиб дўстларимдир. Қисмимизда рус, ўзбек, қозоқ, белорус, тожик, қирғиз, молдаван ва бошқа халқларнинг ўғлонлари хизмат қилмоқдалар. Улар ҳар бир ишда бир оила фарзандидек дўст-иноқ. Булар орасида яшаш ҳам, хизмат қилиш ҳам завқли.

Т. Юсуповнинг мактуби ҳам бунга ҳамоҳанг:

— Бўлинмамизда 14 миллат фарзандлари бор, — деб ёзади солдат, — йигитларимиз қайси миллатга мансуб бўлишларидан қатъи назар улар коммунизм қураётган совет халқининг ижодий меҳнатини, фаровон ҳаётини кўз қорачиғидай асраш, улуғ Ватан посбони деган муборак номни юксак кадрлаш иштиёқи билан яшамоқдалар. Миллатларни улуғ дўстлик оиласига бирлаштирган партиямизга минг раҳмат.

— Сафимизда ўзбекистонлик шунқорлар кўп. Улар пахтакор шонини юксак қадрлаётган ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз эришаётган ғалабалардан мамнун бўлиб, ҳарбий хизматни аъло даражада адо этмоқдалар. Масалан, гвардиячи Каримовни олайлик. У қисмимиз машъали. Командирларнинг бир неча раҳматномасини олган. Ефрейтор Дадабоевнинг кўксида эса «Аълочи гвардиячи» знаки порлаб турибди. Бундай сафдошларимиз билан фахрланамиз! Гвардиячи С. Султоновнинг мактубида ана шу сатрлар битилган.

Кўпгина солдатлар ўз мактубларида сафдош дўстларининг гражданлик бурчини ўташда кўрсатаётган жасорат ва қаҳрамонликлари ҳақида, уларнинг қўлга киритган ютуқлари тўғрисида завқ-шавқ билан ҳикоя қиладилар. Солдат Н. Беркаевнинг мактуби ўз дўстларига бўлган миннатдорчилик ҳиссиётлари билан тўлиб-тошган:

— Сафдош ўртоқларимдан миннатдорман. Ҳарбий хизматга янги келган пайтимда машғулотларни яхши ўзлаштира олмадим. Шунда улар менда дўстона ёрдамларини аямади. Улар кўмагида қисмимизда илғорлар сафидан ўрин олдим.

Ҳарбий хизмат йилларида солдатлар ҳарбий фан ва техникани эгаллаш билан бирга турли касб-ҳунар ўрганмоқдалар, ўзларининг билим савияларини оширмоқдалар. Кўпгина солдат мактубларида ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

— Биз, — деб ёзади солдат, ҳарбий қуруқчи Ф. Мирфатуллаев, — қисқа ҳарбий хизмат даврида бир неча касби эгаллаб олдик. Сафимизда қўли гул йигитлар кўп. Яқинда улар сафи яна кенгайди. Қисмимиз қурувчилари Нишонбой Мўминов, Салимжон Шомирзаев, Муҳиддин Мадраҳимов, Акбарали Жуманазаровга коммунистик меҳнат зарбдори деган юксак ном берилди. Турсунбой Мирзааҳмедов, Фозил Абдутолиповлар эса «Қурилиш аълочиси» бўлдилар.

О. Даминов, А. Тешабоев, И. Исмоилов, Т. Ғулдошев, Ш. Азимов, Р. Раҳматов, А. Эгамов, А. Аҳмаджонов ва бошқа бир неча солдат йигитларнинг мактублари ҳам ўз сафдошларидан, улар кўрсатаётган жонбозликдан фахрланиш ҳиссиётларидан тўлиб-тошган.

— Завқли меҳнатга завқли дам ярашади! — Оддий солдат Баҳромбек Бултаковнинг мактуби ана шундай сўзлар билан бошланади. — Қисмимизда, — деб ёзади у, — дам олиш вақтлари айниқса кўнгилли ўтмоқда. Футбол, шахматшашка ўйнаймиз, ҳаваскорларимиз концертларини мириқиб тинглаймиз.

Солдатлардан Т. Саидов, Ҳ. Маманазаров, Н. Мақсудов, А. Ҳолматов, С. Хўжақулов, Д. Мамасобиров ўртоқлар эса бўш вақтларини кўпроқ билим олишга, ғурли адабиётлар, газета ва журналларни ўқишга бағишлаётганликларини ёзишган. Улар республикамиз ҳаётида юз бераётган барча янгиликларни билишга интилмоқдалар. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳақидаги китобларни, айниқса, қизиқиб ўқимоқдалар.

Солдат мактублари ранг-баранг. Уларнинг адреси ҳам турлича. Лекин қалб ҳарорати билан ёзилган бу мактубларда умумий бир туйғу бор: бу чинакам коммунизм қурувчилари бўлиб улғайиш учун барча имкониятларни яратиб берган партия ва ҳукуматга солдатлар миннатдорчилигидир.

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

КОНГО УСТИДА ҚОРА БУЛУТЛАР

Бельгия империализми АҚШ, Англия ва Ғарбий Германиянинг яқиндан қўллаб-қўлтиқлаши билан жафокаш Конго халқига қарши яна қуролли агрессия бошлади. Американинг транспорт самолётларида бу ерга келтирилган мингга яқин Бельгия парашютчилари — тиш-тирноғигача қуролланган 300 ёлланган каллакесар ва Чомбеннинг Катангадаги жандармериясидан тузилган 2 минг солдат ва офицери билан қўшилишиб 25 ноябрда Конго ватанпарварлари қўлида бўлган Стэнливиль шаҳрини босиб олдилар. Ҳозир Конгонинг шарқий районларида ватанпарварлар армияси билан агрессорлар ўртасида оғир ва шиддатли жанглар бормоқда. Империалистлар ва уларнинг Конгодаги малайлари бегуноҳ қариялар, аёллар ва ҳатто бешикда ётган гўдакларни ҳам аямай қирмоқдалар. Шаҳар ва қишлоқлар Америка самолётлари томонидан вахшийларча бомбардимон қилинмоқда. Хуллас, ёш Конго Республикасининг миллий мустақиллиги ва Конго халқининг ҳаёти яна хавф остида қолди.

Конго мустақиллиги эълон қилингандан буён тўрт йил вақт ўтди. Лекин халқаро империализм, биринчи галда АҚШ ва Бельгия, Конго халқига тинч яшаш ва янги ҳаёт қуришга имкон бермади. Аксинча улар Конгонинг миллий мустақиллигини барбод бермоқдалар, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган демократик кучлардан аёвсиз ўч олмоқдалар, фитна устига фитна уюштирмоқдалар.

Хўш, ўзи нима гап? Империалистик давлатларнинг Конго халқи этагига бунчалар маҳкам ёпишиб олишига сабаб нима? Бунга асосий сабаб Конгонинг битмас-туганмас бойлигидир. Унинг замини қазилма бойликларга, айниқса кобальт, берилла, германий, уран сингари стратегик маъданларга серобдир. Ҳамма капиталистик мамлакатлар етиштирадиган уранинг 10-12 проценти, германийнинг қарийб 17 проценти, кобальтнинг 75 процентини Конго беради. Бундан ташқари, тилла, кумуш, темир, нефть конлари ҳам озмунча эмас. Қолаверса, Конго Африка давлатлари ичида қишлоқ хўжалиги тараққий этган мамлакатдир. Унинг ерлари серунум. Конгода жут, каучук, пахта ва бошқа талайгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўп етиштирилади.

Ана шу беҳисоб бойликлар қарийб 80 йил мобайнида Бельгия капиталистлари қўлида бўлди. Улар Конгонинг бой замини ва меҳнаткаш халқини шафқатсизларча эксплуатация қилиш йўли билан катта бойлик орттирдилар. Ҳозир бу беҳисоб бойликлар ва ундан келадиган зўр фойдага АҚШ, Ғарбий Германия, Италия ва Швейцария ҳам шерик бўлиб олди.

Конго халқи ўз бойлигига ўзи эгалик қилмоқчи, империалистик давлатлар, маҳаллий капиталистлар ва помещиклар зулмидан қутулиб янги ҳаёт қурмоқчи. Шунинг учун ҳам у қўлга қурол олиб курашмоқда. Халқаро империализм ва маҳаллий реакция эса Конго халқини абадий асоратда тутмоқчи, мамлакат экономикасини ўз қўлида сақлаб, меҳнаткаш халқни эксплуатация қилиш эвазига ўз бойлигини орттирмоқчи.

Лекин Конго халқи халқаро империализм ва маҳаллий реакциянинг қудрати олдида тиз чўкмади. У ўз озодлиги ва миллий мустақиллиги учун 4 йилдан бери қаҳрамонона кураш олиб бормоқда. Бу кураш шу йилнинг ёзида умумхалқ қўзғолонига айланиб кетди. Қўзғолончилар армияси оташин ватанпарвар Гастон Сумиало ва генерал Николас Оленга бошчилигида зўр ютуқларни қўлга киритди ва мамлакатнинг олтидан бир қисмини озод қилди. Ватанпарварлар Шимолий Катанга, Кива, Маньема ва Экваторня вилоятларининг талайгина қишлоқ ва шаҳарларини қўлга киритдилар. Озод қилинган бу районларда халқ ҳокимияти ўрнатилди, Стэнливилда Конгонинг революцион ҳукумати тузилди.

Ана шундай қилиб, халқаро империализмнинг Конгодаги ҳукмронлиги хавф остида қолди. Улар ўз мавқеини сақлаб қолиш учун мавжуд тадбирларни ишга солмоқдалар. АҚШ ва Бельгия биринчи галда ўз ишончини оқламаган Сирилл Адулани ҳокиниятдан четлатдилар ва 30 июлда ҳукумат тепасига Конго халқининг ёвуз душмани хоин Моиз Чомбени ўтқаздилар.

Чомбе Конго халқини алдамоқчи бўлди ва иккиюзламачилик қилиб, мамлакатда адолат ўрнатиш, барча сиёсий партиялар ва кучлар билан ҳамжиҳат бўлиб иш олиб боришга сўз берди. У ҳатто Стэнливилга бориб Патрис Лумумба ҳайкалига гулчамбарлар қўйди, Конго халқининг миллий қаҳрамони Антуан Гизенганн қамоқдан озод қилди. Лекин Конго ватанпарварлари Чомбенинг «ширин» сўзларига ва зўр ваъдаларига учмадилар. Миллий-озодлик ҳаракати яна ҳам кучайиб кетди. Чомбенинг қонли режимига зил кетди.

АҚШ ва Бельгия Чомбенинг эртами-кеч Конго халқи томонидан улоқтириб ташланажагини англадилар. Шунинг учун ҳам унга ёрдамга келдилар. Улар Чомбега кўплаб қурол-аслаҳа ва миллионлаб маблағ юбордилар. Лекин Чомбе кун сайин ўсиб ва кенгайиб бораётган миллий озодлик ҳаракатини бостиролмади. Шундан кейин АҚШ ва Бельгия Конго Республикасига қарши очиқ-ошкора қуролли агрессия бошладилар.

Ана шундай қилиб, АҚШ ва Бельгия ҳукуматлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига хилоф равишда мустаҳил Конго Республикасига қарши уруш бошлаб юбордилар. Улар шу йил 5-8 сентябрда Эфиопиянинг пойтахти Аддис-Абебада бўлган Африка мамлакатлари бирлиги ташкилотининг фавқулодда сессияси ва ҳарбий блокларга қўшилмаган мамлакатларнинг 5—10 октябрда Қоҳирада бўлиб ўтган конференциясининг Конгода тинчлик ўрнатиш тўғрисидаги талабларига қулоқ солишни истамадилар.

Бельгия ҳукумати ўз парашютчиларини Стэнливилдан чақириб олишга қарор берди. Лекин империалистлар ўз қўшинларини Конгодан тамомам олиб чиқиб кетиш ҳақида ҳали ўйлагиларича йўқ.

Совет халқи, социалистик мамлакатлар ва Африка қитъасининг халқлари Конго халқининг миллий мустақиллиги ва озодлигига чанг солган Америка ва Бельгия империалистларига лаънатлар ўқимоқда. Талайгина Африка давлатлари (Жазоир, Эфиопия, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқалар)да умумхалқ норозилик намойишлари бўлмоқда. Намойишчилар АҚШ элчихоналари ёнига бориб норозилик митинглари ўтказмоқдалар ва «Жонсон, Конгога қарши агрессияни тўхтат!», «Яноилар Конгони бўшатиб қўй!» деган шиорлар билан чиқмоқдалар.

Совет ҳукумати ўзининг шу йил 25 ноябрда АҚШ, Англия ва Бельгия ҳукуматларига юборган баёнотида АҚШ ва Бельгиянинг Конгога қарши бошлаган қуролли агрессиясини ораладн ва ҳарбий интервенцияни дарҳол тўхтатиш, Конгодан Бельгия қўшинларини ва ажнабий ёлланган ҳарбий қисмларнинг тўхтовсиз олиб чиқиб кетилишини қатъий талаб қилди. Конго Республикаси ва унинг ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқига қарши олиб борилаётган ғайри қонуний уруш тўхтатилсин! Замоннинг талаби шу.

Б. АҲМЕДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг халқаро обзорчиси.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

8 ДЕКАБРЬ, 1964 ЙИЛ
№ 283 (12.937).

Лирик шеърлар

ШУКРУЛЛО

КОШКИ ЭДИ...

Инсон қалби қилдек нозикдир жуда,
Баъзан қувонтирар кичик бир нарса,
Баъзан дилни ўртар,
қариганингда —
Сувга оқиб кетса қўлингдан ҳасса.

Ота ҳайрон эди анҳор бўйида,
Гўё бой бергандай қўлдан бахт қушин,
Гўё оқар эди тўлқин қўйнида
Қудратли ёшлиги, суянган кучи.

Олиб берганимда, миннатдорлиги
Ҳали кўз олдимдан кетмайди нари,
Шундай қувондики, оқизоғини
Сувдан тутиб олган гўдак сингари.

Қалбимдан бир ҳузур, ғурур сезаман,
Мамнун чеҳрасини эслаб ҳали ҳам,
Кошки ҳамма боқса шу назар билан,
Кошки шунга доим лойиқ бўлолсам.

РОЗИМАН

Агар, ёнгин десанг, майли, ёнаман,
Фақат яшаш учун туғилмас одам.
Ҳатто тупроққа ҳам мен айланаман,
Бир гул ундирмоққа агар ярасам!

Менинг ёнишимдан сен қуёш бўлиб,
Ҳамиша нур сочсанг, розиман, майли!
Мен тупроқ бўлсаму, сен гулдек тўлиб,
Жаҳонга юз очсанг, розиман, майли!

Инсон жони билан неки яратса,
Яратгани билан яшай олур у,
Кошки истагингга мен ҳам яралсам,
Балки, қуёш бўлиб қолардим мангу!

ОТАШ ҚАЛБ

Баъзан мен ёнаман бир оташ каби,
Афсус, дўстим, бунга доринг қилмас юр.
Мени даволаш-чун, баъзилардаги
Лоқайдлик касалин йўқотиш даркор.

Бундай касаллиқни кўрмадим дерсан,
Синода ҳам йўқ деб бўларсан ҳайрон,
Бу сени тинкангни қуритар зимдан,
Ҳатто ўғирликдек етказар зиён.

У сенинг уйингга ўт ҳам қўймайди,
Ёнса, жон қойитиб, сепмайди ҳам сув,
Уйинг кул бўлса ҳам у-чи, куймайди,
Буйруқсиз ўрнидан жилолмайди у.

Дўстим, минг ташаккур, — шодлигимга ҳам,
Қайғумга ҳам доим бўласан шерик.
Ҳа, меҳрибон бўлар ҳақиқий одам,
Ахир одам билан одамзод тирик.

Даволама мени! Шу меҳр билан,
Майли қалбим ёнсин бир қуёш мисол.
Бу ўтни сўндирма! Аммо, энг тубан —
Лоқайд, шахспарастлар қалбига ўт сол!

СТУДЕНТЛАР ва илмий-текшириш ходимлари ишининг самарали бўлиши кўп жиҳатдан лаборантларга боғлиқ. Суратда: Тошкент политехника институти химия ва технология факультетининг старший лаборанти М. Расулова. У ўзига берилган топшириқни сидқидилдан бажариб, илмий ишларнинг яхши натижалар беришига муносиб ҳисса қўшмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ФАН ОЛАМИДА

МУЗ «ТОБУТ»

Сант-Яго шаҳридаги (Чили) музейда ғалати бир экспонат бор. Бу ерда ичида одам қотиб қолган катта муз тобут сақланади.

Бу «тобут»нинг топилганига 10 йил бўлди. 1954 йилнинг февраль ойида бир группа альпинистлар Серро Пайне тоғининг денгиз сатҳидан 5000 метр баландликдаги қорли чўққисига кўтарилдилар. Кеч бўлиб, қоронғида пастга тушиш имконияти бўлмади. Альпинистлар чўққида тунамоқчи бўлдилар. Улар палата қуриш учун музни ёришаётганда темирломга қизил мато илашган. Синчиклаб қарашганда музнинг ичида қандайдир бир нарса кўринган. Альпинистлар музни авайлаб ўйдилар. Муз ичида 12 ёшлар чамасидаги ҳинд бола плашча ўралган ҳолда тумшиб ўтирарди.

Бундай баландликка у қандай чиққан экан? Бир ўзи бўлганми? Бу саволларга ҳали ҳеч ким жавоб топгани йўқ.

Альпинистлар қоядан муз «тобут»ни ажратиб олиб, брезентга ўраганлар ва пастга олиб тушганлар.

Медицина текширишлари натижасида шу нарса аниқландики, бу воқеа бундан 500 йил аввал содир бўлган. Бола эса ҳозир ҳам муз ичида худди тирик тургандек кўринади...

Муз «тобут» шу ҳолича Сант-Яго музейида экспонат сифатида сақланмоқда.

«ИТОАТКОР» ЧИРОҚ ВА «БЎЙСУНМАС» ПЎЛАТ САНДИҚ

Бу чироқни ёқиш ёки ўчириш учун ўчиргич (выключатель)ни ахтариш шарт эмас. Қўлингиз билан чироққа ишора қилсангиз шунинг ўзи кифоя. Қўлингизни лампа қалпоғига яқинлаштирганингизда, кучсиз ток воситаси билан кучли ток занжирига улаш учун ишлатиладиган сезгир асбоб бу ҳаракатни «сезиб», лампа ўчади ё ёнади. Буннинг учун қўлингизни лампа қалпоғига 40 сантиметр яқинлаштиришингиз керак.

Англияда ҳозир ана шундай лампалар сотилмоқда. Пўлат сандиқларни ўғрилардан сақлашда ҳам бу усулдан фойдаланиб келинган. Жиноятчи уйга кирса ёки пўлат сандиққа яқинлашса сезгир регулятор буни сезиб, дарҳол сигнал беради.

(«Знание-сила» журналидан).

Олам янгиликлари

ПЛАНЕТАНИНГ ҲАММА ТОМОНИДАН

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг VII пленуми бўлиб ўтди. Пленум Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси билан Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети президиумининг қўшма мажлисида қабул қилинган 1965 йилги халқ хўжалиги плани лойиҳасини ҳамда давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳасини тасдиқлади. Министрлар Совети бу лойиҳаларни кўриб чиқиш ва узил-кесил ҳал қилиш учун Давлат кенгашига ва Халқ палатасига топширади. Германия Бирлашган социалистик партиясининг бошланғич ташкилотларида келаси йил 1 февралдан 31 мартгача ҳисобот-қайта сайлов йиғилишлари ўтказишга қарор қилинди.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Пекиннинг яшил безаги йилдан-йилга кўпайиб, гўзаллашмоқда, шаҳар аҳолиси кўкаламзорлаштириш ва пойтахт теварагида «яшил маржон» яратиш ишида актив қатнашмоқда. Ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар Пекиннинг ичида ва унинг атрофида янги парклар, скверлар бунёд қилмоқдалар, дарахт кўчатлари ўтқазмоқдалар. Бу йил Пекин яқинидаги Сишань тоғининг ён бағирларида янги дарахтзорлар вужудга келди. Сишаньлин сув омбори атрофида, Бадачу районида янги қарағайзорлар ва мева боғлари қад кўтарди. Фақат шу қузнинг ўзидагина Пекинда 120 минг тупдан кўпроқ дарахт ўтқазилди.

КУБА

Пинар-дель-Рио вилоятидаги тўққизта қанд заводидан тўртраси янги ҳосил шакар қамишини қайта ишлашга киришди. Камагуэй вилоятидаги уч завод ҳам қанд ишлаб чиқаришга киришди.

Шакар қамиши ҳосилини ўриб олмоқ учун бошланган бешинчи ҳашарда қатнашиш мақсадида Кубага келган 250 совет комсомол механизаторлари мамлакат вилоятларига жўнаб кетишди.

ТАССнинг чет эллардаги мухбирлари хабар беради

□ □

нин комсомолининг вакиллари қизғин кутиб олиндилар.

РУМИНИЯ

Руминияда учта янги корхона қурилиб бўлди. Хацигда гўшт комбинати фойдаланиш учун топширилди. Бакеудаги ёғочни қайта ишлаш комбинатида қурилиб бўлган мебель фабрикасини ишлатиб, синаб кўриш бошланди. Питештида қарағай тахта тиладиган завод қуриб битказилди.

ЮГОСЛАВИЯ

Югославия Коммунистлар союзининг VIII съездида қатнашмоқ учун КПСС делегацияси Белградга келди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат П. Н. Демичев (делегация раҳбари), КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, «Правда» газетасининг бош редактори А. М. Румянцев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Югославиядаги элчиси А. М. Пузанов бор (ТАСС).

ВИЛЬСОН АҚШГА КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 6 декабрь. (ТАСС). Англия бош министри Гарольд Вильсон расмий визит билан бугун бу ерга келди. Вильсон АҚШ президенти Линдон Жонсон билан музокаралар олиб боради. Вашингтонга келгач, Вильсон ўзининг Жонсон билан олиб бораётган музокаралари муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлишини айтди. Бироқ унинг фикрича, бу музокаралар Атлантик иттифоқ проблемаларининг муайян ҳал қилинишига олиб келмайди.

КОНГОДАГИ ЖИНОЯТЛАР ТЎХТАТИЛСИН!

ПРАГА. Жаҳон касаба союзлари федерациясининг бош секретари Луи Сайян Бутун Африка касаба союзлари федерациясининг бош секретари Д. Тетгегга мактуб юборди. Конгода (Леопольдвиль) яқинда бўлиб ўтган воқеалар муносабати билан, дейилади мактубда, Жаҳон касаба союзлари федерациясининг секретариати Бутун Африка касаба союзлари федерациясининг ўзининг гоят бирдам эканлигини изҳор қилади. Конгонинг ички ишларига чет давлатлар яна аралашганликлари сабабли бутун дунё касаба союз ташкилотлари қаҳр ва ғазаб билан норозилик билдирадилар. АҚШ ва Бельгия ҳукуматлари бу интервенцияни «одамгарчилик юзасидан қилинган иш» деб кўрсатишга уринаётганликлари Конго халқининг озодлигига қарши империалистлар интервенция қилганидан иборат очиқ кўриниб турган фактни яшира олмайди. Жаҳон касаба союзлари федерацияси шу нарсага жуда аминдирки, Африка меҳнаткашлари ва халқлари ўзлари олиб бораётган курашда бирлашиб ва бутун дунёдаги ўзларининг курашдош қардошлари бераётган ёрдамга суяниб, империалистик агрессорларнинг ва шу агрессорлар малайларининг кирдикорларини маглубиятга учрата оладилар. бутун Африка қитъасида тўла ва узил-кесил мустақилликни қўлга киритадилар, яхши турмуш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш учун курашда муваффақиятлар қозонадилар.

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг Конгодаги интервенциясига қарши норозилик билдираётган ёш американликларнинг Нью-Йоркда намойиши бўлиб ўтди. Америка армияси ва ҳарбий ҳаво кучларининг одамлар ёллаш пункти биносини ўраб олган йигитлар ва қизлар кўтариб олган плакатларда «Америка монополиялари Конгода катта фойда орттирмоқдалар», «Елланган оқларга ҳеч қандай мадад берилмасин», «АҚШ, Африкадан қўлингни торт, Конгодан чиқиб кет» деган сўзлар ёзилган. (ТАСС).

КОНГОДАГИ АҲВОЛ

ПАРИЖ, 6 декабрь. (ТАСС). Стэнливилининг Конго дарёсининг чап соҳилидаги африкаликлар яшайдиган қисмида қонли жанглар давом этмоқда. Оқларнинг ёлланган отрядлари ва Катанга жандармларининг отрядлари бир неча кун ёппасига тўп отиб ва Американинг «Т-28» самолётларидан қўзғолончиларнинг позицияларига ракеталар ёғдириб, тайёргарлик кўрганларидан кейин дарёни кечиб ўтишга ва чап соҳилда кичикроқ плацдарм вужудга келтиришга муваффақ бўлдилар.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг юборган хабарларидан маълум бўлишича, қўзғолончиларнинг отрядлари Леопольдвиль қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатмоқдалар.

Шаҳаркинг дарё бўйидаги ўнг қисмида тинч аҳолидан қонли ўч олиш давом этмоқда. Чомбе шайкалари африкаликларни бир неча минг кишига бўлиб, ҳар қайси тўдани стадионга ҳайдаб келтирмоқда ва бу ерда «уларни текширишдан ўтказмоқда». Ваҳший бандитлар ўзлари «исёнчи» деб гумонсираган ҳар бир кишини шу жойнинг ўзидаёқ отиб ташлямоқдалар. 50 мингдан кўпроқ киши мана шундай ваҳшёна текширишдан ўтказилди.

Чет эл мухбирларининг хабарларига қараганда, Леопольдвиль қўшинларининг ёлланган оқлар бошчилик қилаётган ва «гаровга ушлаб турилган кишиларни озод қилмоқ» учун мамлакатнинг шарқи-шимолига Чомбе томонидан юборилган иккита зарбдор колонна «оғир аҳволда» қолди. Улар ҳамма жойда қўзғолончиларнинг пистирмаларига дуч келмоқдалар, аммо қўзғолончиларнинг ўзлари тутқич бермаётирлар. Поко, Буниа шаҳарлари районида, шунингдек бундан бир неча кун муқаддам қўзғолончилар томонидан ҳукумат қўшинларидан тортиб олинган ва ҳозир қўзғолончилар қўлида турган Паулис шаҳри районида қўзғолончиларнинг отрядлари айниқса актив ҳаракат қилмоқда.

Мамлакатнинг шарқий ва шарқи-шимолий районларидаги африкалик аҳоли озодлик армияси жангчиларини қўллаб-қувватламоқда. Чет эл мухбирларининг айтишича қараганда, Чомбе қўшинлари ҳамма жойда душманлик кайфиятидаги аҳолига дуч келмоқда. «Шу районлардаги африкалик аҳолининг ҳаммаси, — дейилади Конгодан олинаётган хабарларда, — Лумумба руҳи билан... қўзғолон руҳи билан суғорилган».

СПОРТ БАЙРАМИ

Республика пойтахти ва унинг атрофидаги жойлардан келган минглаб ниши 5 декабрда Тошкент ипподромига тўпланди. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси 40 йиллигига, шунингдек традицион «Пахта байрами»га бағишланиб ўтказилган улкан от спорти байрамини томоша қилдилар. Мусобақаларда қатнашмоқ учун республика ва қардош Қирғизистон областларидан энг яхши чавандозлар бу ерга келдилар.

Байрамнинг тантанали очилиш маросимидан кейин мусобақалар бошланиб кетди. Тошкент шаҳри совруни учун нураш бошланади. Чавандозлар қора, байр зотли отларда 1600 метр масофани босиб ўтишлари керак. Жиззах ишлаб чиқариш бошқармасидаги Навоий номли колхоз вакили Р. Абраимов маррага биринчи бўлиб етиб келади. У «Злой» чопиқида ана шу масофани 2 минуту 4,5 секундда босиб ўтди.

«Ўзбекистон ССР 40 йиллиги кубоги» учун олиб борилган пойга бу спорт байрамининг асосий воқеаси бўлди. Энг яхши чавандозлар қатнашди. Улар энг қисқа вақт ичида 12 та мураккаб тўсиқларни ошиб ўтишлари керак эди. Мусобақаларда ўн беш спортчи қатнашди.

Шу куни от спортининг бошқа қизиқ мусобақалари ҳам ўтказилди. СССР спорт мастери А. Ковшов (Тошкент) чавандозлида юксак маҳорат кўрсатиш мусобақаларида голиб чиқди.

От спорти байрамида Ўзбекистон партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Чехословакиядан келган меҳмонлар ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

Н. ТАРИАНОВ.

(ПОВЕСТЬ)

— Гап деган мана шундай бўлибди, — деди сариқ қошли ниши хурсанд бўлганидан.

У эшик ёнида турган бесўнақай кишига инглиз тилида нималарнидир буюрди.

— Москвага қачон қайтасиз?

— Икки ойдан кейин — октябрда. Сизни қаерга тайинлашларидан хабарингиз борми?

— Ҳозирча хабарим йўқ. Лекин хотиним-нинг қариндошлари бор... шулар орқали қаранат қилиб кўраман.

— Бизга қолса марказий ҳарбий аппаратда ишлаганингиз маъқул. Сабабини ўзингиз тушунасиз, албатта.

— Маҳаллий ҳарбий округларда ҳам сиз бизга анча қимматли маълумотлар юбориб турасерасиз. Лекин марказий аппарат — марказий аппарат-да! Жуда соз бўлардида... Инглиз тилига қалайсиз?

— Унчалик билмайман, энди ўрганга бошладим.

— Тузукроқ ўрганинг. Сиз билан алоқа қилгани Москвага рус тилини ёмон биладиган кишилар келиб қолиши мумкин.

— Бўпти, — деб жавоб берди Плахин ҳозиржавоб ўқувчилардек.

— Сизни эҳтиёт қилиш учун қўлимиздан нимаики келса, ҳаммасини қиламиз. Бунинг учун биз томондан танлиф қилинадиган алоқа воситалари билан иш кўришингиз зарур. Биз билан узоқ ва самарали ҳамкорлик қилишингизни хоҳлаймиз. Бу бизга ҳам фойдали, сизга ҳам фойдали. Ишимиз ўнгидан неладиган бўлса, сизга яхшилаб ҳақ тўлаш йўлларини топамиз, ҳаётингизни фаровон, нўғилдагидек қилиб кўямиз. Фрейлен Хильда билан қилган суҳбатингизга қараганда, сиз бизнинг мамлакатда ёки Ғарбий Европадаги бошқа бирор жойда яшамоқчисиз. Сизнинг бу гапингиз фрейлен билан ўтказган бошқа суҳбатларингиз қатори пленкага ёзиб олинган. Эшитасизми?

— Йўқ... керак эмас.

— Айтганча, шу суҳбатимиз ҳам ёзиб олинган. Кўриб турибсиз, бошқа иложингиз йўқ... Шунинг учун бир озгина юзакичилик қарши бўлмассиз, деб ўйлайман.

Сариқ қошли ниши Плахинга инглиз ҳарбий разведкаси органлари билан ҳамкорлик қилиш юзасидан ёзма равишда мажбуриятни айтиб турди.

Катта шишадаги коньякни деярли Плахиннинг ўзи ичиб қўйди. Инглиз хайрлаша бошлади.

— Яқин орада кўришгунча, жаноб Плахин. Шу ерда қоласизми? Фрейлен Хильдани шу ерга юборайликми?..

Целлендорфда бўлган воқеа чет элда уч йил мобайнида Плахин қилган касофат ишларнинг оқибати эди. Саминнятдан йироқ бўлган, хасадчи бу киши аслида ўртача бир ходим эди. Унинг шунчаки, баъзан эса қониқарсиз иш фаолиятини бошлиқлар танқид қилишгундай бўлса, у, мени кўролмайдиганларнинг иши, деб ноғирди. Шундай кезларда уйга келгач, хотинига мингиллаб шикоят қиларди, назарида «омади келганлар»ни, аслида эса талантли, қобилиятли, сергайрат, ташаббускор ҳамкасб ўртоқларини ёмонлагани-ёмонлаган эди.

Табиатан мулойим, андишали Клавдия эрининг камчиликларини яхши биларди, унинг ишдаги нуқсонларини ётиғи билан айтарди. Шундай пайтларда Плахин, сен ҳам душманларимнинг гапига учяпсан, деб жеркиб берарди.

Клавдия катта, кўнимтир кўзларини унга тикканича жим қоларди. Шу тариқа эридан кўнгли совий бошлаб, анча паришонхотир бўлиб қолди. Қани энди отаси тирик бўлса-ю, дардини айтиб юрагини ёзса! Ақлли, мулоҳазали, мулойим бу киши одамларни яхши билар, дархол тушунарди. Хўжакўрсинга одамжон, лекин ўзи пуч Олег қизининг бошини айлантириб қўйганидан ичида қаттиқ хафа эди. Плахин чол унинг кимлигини яхши билиб олганлигини сезарди. Ов-қатдан сўнг чой ичар пайтда унинг ўткир кўзларига қарашга ҳам, ботинолмасди. Клавдияга эса отаси билиб қолса чатоқ бўлади деб, яширинча уйланиб олди. Отпуска олгач, офицерлар клубида кутубхоначи бўлиб ишловчи Клавдияни ишдан бўшатиб олиб Сочига жўнади. У ердан туриб Клавдия отасига: «Олег билан турмуш қурдим, кечир, дуо қил» деб телеграмма берди. Отаси ҳам жавоб берди: «Бахтли бўл, Олегни табриклайман, қучаман. Отанг». Кечқурун генерал уйида собиқ адъютанти билан бирга қизининг бахти учун бир шиша «Двина»ни бўшатди. Лекин унинг кўнгли ҳамон ғаш эди.

Илгарилари қўрқиб юрган қайнатаси вафот қилгандан кейин Олег энди сенин-аста қилиқ чиқара бошлади. Камчиликлари аниқ сезила бошлади. Табиатан ҳасис, майда, очкўз киши эмас. У қайнатасининг бабобрў дўстларидан бирига ёпишиб олиб, Берлиннинг демократик секторидаги қарбий муассасаларимиздан бирига жойлаштириб кўймагунича кўймади. Плахин яхши характеристикалар тўплаб олди. Бу учар йигит лозим бўлган кишилар билан вақтида қадах уриштира билар, керакли кишисига хушомад қилар эди. У таниш-билишларни ҳам, дўстларни ҳам жуда танлаб топарди. Булар баобрў, «керакли кишилар» эди. Бундай кишилар билан муомала қилганда эҳтиёт бўлар, уларнинг кўнглини топарди. Ўзини иш эзиб қўйган бўлса ҳам, лекин ҳеч нарсага умид қилмайдиган, шон-шуҳрат ортидан қувмайдиган оддий меҳнаткаш одам қилиб кўрсатарди. Йўқ, у фақат улуғ мақсад йўлида ишлайди, ҳамкасблари уни тушунишадими, қадрига етишадими, бу уни қизиқтирмайди.

АМЕРИКАЛИКЛАР ПАРИЖДА

Павильоннинг ичи шов-шув. Дикторнинг бир меъёрдаги сўзлари орасида стендлар ёнида: «Трэ эзнтересан!», «Манифик!», «Колосаль!» деган тасанно сўзлари эшитилади.

Плахин совет кишиларининг космосни ўзлаштиришдаги янги муваффақиятларига бағишланган катта композиция ёнида хомуш турарди. Одамларга бепарво кўз ташлайди. Тиллни кўриб таажжубланмади. Инглиз ҳам Плахинни кўриб, шошмасдан эшик томонга йўл олди. Муздек ичимликлар сотадиган киоска олдига келиб навбат олди. Ўзидан кейин турган Плахинга пайт пойлаб туриб, бундай деди:

— Бугун соат еттида Кэд'Орсей рўпарасидаги Сена дарёсининг кўприга ёнида.

Куз қуёшида Париж каштанлари олтиндек товланади. Сенанинг гранит ўриндиқларида ўнгиб нетган, йиртиқ-ямоқ пиджак кийган қариялар хомуш ўтиришарди. Улар дарёнинг сонин, лекин булғанган сувига қармоқ ташлаб балиқ илинишини соатларча кутишарди. Энг қизиғи шунда эдики, шаҳарнинг шу булғанган сувидан ҳали ҳам балиқчалар чиқарди. Кучдан қолган, ёлғиз қария учун эса кечки овқатни тенин қилиш жуда катта гап.

Плахин кўприкдан ўтар экан, ҳеч кимни кўрмади. Қилар ишини билмай тўхтаб қолди. Кўприкдан юз метрча нарида турган машина ўрнидан қўзғаб, Плахиннинг олдига келиб тўхтади. Очиқ деразадан Плахин таниш юзни кўрди — инглиз разведчаниси Пайль билан Лондонда кўришган эди. Пайль эшикни очди. Унча кўп юришмади, яна кўприкдан ўтишиб, Этуаль майдонига йўл олишди. У ердан, «Ғалаба» аркасидан ўтиб, маршал Фош авенюсига қадар боришди. Ҳашаматли, теварак-атрофи кўм-кўк дарахтзорлар билан ўралган катта ҳовли ёнидаги кўчалардан бирида машина икки тавақаси кенг очилган дарвозага кирди-да, қурилганига анча бўлган ва дарахтлар ичига яширинган бир бино олдига келиб тўхтади, иккинчи қаватдан ёруғ тушиб турибди.

(Давоми бор).

Бошқа газетанинг 28, 29 ноябрь, 1, 2, 4 ва 5 декабрь сонларида.

Эълонлар. Томошалар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8. ДЕКАБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Тенгдошлар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.30 **Телевизион янгиликлар**, 18.45 — **Шеърлар**, 19.05 — **Врач маслаҳати**, 19.25 — **Композитор Шоҳидий**.

20.00 — **Эшиттиришлар программаси**.

Рус тилида: 20.05 — **Телевизион янгиликлар**, 20.20 — **Халқаро ҳаёт**, 20.35 — **Урта Осиёнинг катта химияси**, 20.50 — **Чайка** (А. П. Чехов пьесаси асосида телепостановка).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.15 — **Шайтонча** (болалар учун қўғирчоқ фильм), 18.40 — **Қум соат** (В. Каверин эртаги асосида Ленинград телестудияси спектакли), 19.30 — **Тошкент янгиликлари**, 19.40 — **Уттиз йилдан сўнг** (телеочерк).

Ўзбек тилида: 20.05 — **Тошкент янгиликлари**, 20.15 — **Концерт** (чолғу куйларидан).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/XII да **Сўнгги нусхалар**, 9/XII да **Хатарли йўл**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/XII да **Жон қизлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Литва цирки артистларининг гастроллари** ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Юрий Дуров гастролининг давоми**.

КИНО

Меҳрибон оила — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (2-залда), «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кундуз соат 3-40 минут, 5 ярим ва кеч 7-15 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз 3, кеч 7 ва 10-40 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз 12, 4 ва кеч 8 да), «ЧАЙКА» (кундуз 4 дан).

Жаноб 420 — «ВАТАН» (эрталаб соат 9-50, кундуз 12-40 минут ва кеч 9 да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз 12 дан), «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ҳаёлимдаги қиз «МИР», «ЮЛДУЗ» (кундуз ва кечқурун).

«Трясогузка» армияси — СОБИР РАҲИМОВ номли, (эрталаб соат 11 ва кеч 6 яримда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10 да).

Ер-ёр (ўзбек тилида) — СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, (кундуз ва кечқурун).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
10, 13 декабрда
Ўзбекистон ССР ва Туркманистон ССР халқ артисти
Комилжон ОТАНИЁЗОВ
раҳбарлиги ва иштирокида
ХОРАЗМ АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТЛАРИ

Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреатлари **Мунаввар Давлатова, Отажон Раҳжабов**, солистларидан **Олмахон Ҳайитова, Гулчеҳра Исмоилова, Жуманиёз Собиров, Шариф Султонов, Отабой Ҳасанов, Раъно Жуманиёзова, Отаназар Абдалиёзов, Раҳжаб Исмоилов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
институтга кириш имтиҳонларига тайёрлайдиган
ПУЛЛИК, 8 ОЙЛИК
КУРСГА
АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Курсга кирувчилар аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб берадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, иш жойидан справка, турар жойдан справка, характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 2 та фотокартонка.

Ўқиш ҳақи — 25 сўм.

Аризалар кундуз соат 3 дан кеч 7 гача қабул қилинади.

Ўқиш 10 декабрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Қорамурт проезд, 6-а уй, 2-қават, 228-хона.

Москва шаҳар, Литвин-Седой кўчаси, 3-уй, 6-квартирада турувчи **Михаил Яковлевич Булошниковнинг** Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 31-а уйда турувчи Естер Хуновна Склярявичдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Куйбишев район халқ судида кўрилади.

Чилонзор массив, Б-6 сектор, 15-уй, 9-квартирада турувчи **Римма Ивановна Токареванинг** шу уйда турувчи Феруз Ризозода-Холалидан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленеси президиуми ва коллективи правление раисининг ўринбосари Қ. Ф. Фозилхўжаева отаси **Фозилхўжа МАҲМУДХУЖАЕВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

«Углавстрой» коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари 7-қурилиш трести бошқарувчиси К. З. Зуфаровга онаси **Ҳабиба ОРИФЖОНОВАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ИНДЕКС — 64543.
Р. 11437. Н. Б. 283.